nomidagi
O'zbekiston MX


«ГАЗЕТА ЎҚИМАЙ ҲАМ ЯШАШ МУМКИН» 2

ЁЛҒИЗ АЁЛНИНГ УЙИ БУЗИБ ТАШЛАНДИ 5

АЙБЛОВ ВА ОҚЛОВ 7

КУРАШ КЕСКИН БЎЛДИ, АФСУСКИ, ОМАД КЕЛМАДИ! 8

O'zbekiston ovozi

№6-7
2019-yil, 22-yanvar
Seshanba (32.497)

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

АНГЕЛА МЕРКЕЛЬ:
— Биз Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлишни хоҳлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун кўплаб имкониятлар борлигини кўрмоқдамиз.

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТГАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг таклифига биноан 2019 йил 20 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

21 январь куни Берлин шаҳридаги Бельвю саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шавкат Мирзиёевни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари фахрий меҳмонлар китобига имзо қўйди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Германия давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Учрашувда Президентлар Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли соҳалардаги алоқаларни икки ва кўп томонлама асосда ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Томонлар бундан буён ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашда давом этажагини билдирди.

Президентлар Германия ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида муносабатларни мустаҳкамлаш муҳимлигини қайд этди.

Бугунги кундаги хавф ва таҳдидлар, биринчи навбатда, терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда янада яқин ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Афғонистонда тинчлик жараёнини тезроқ бошлаш бўйича ёндашувлар бир хил экани тасдиқланди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тубдан модернизация қилинаётган ҳозирги жараёнда Германиянинг илғор тажрибаси ва технологияларини жалб этиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар ҳам муҳокама қилинди. Мактаб таълимида самарали немис технологияларидан фойдаланиш, жумладан, «Мактаблар: келажак шериклари»(PASCH) ташаббусини амалга ошириш, Ўзбекистонда Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини очиш, халқларимиз ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш истиқболлари эътибор марказида бўлди.

Учрашув сўнгида Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер жорий йилнинг май ойида Ўзбекистонга ташриф билан боришини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг музокаралари олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ангела Меркель Ўзбекистон Президентининг ташрифи узоқ танаффусдан кейинги муҳим воқеа экани, икки томонлама ҳамкорлик ривожига катта туртки беришини таъкидлади.

— Биз Ўзбекистоннинг ишончли шериги бўлишни хоҳлаймиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш учун кўплаб имкониятлар борлигини кўрмоқдамиз, — деди Германия канцлери.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган юксак ҳурмат учун чуқур миннатдорлик билдириб, немис халқини жорий йил май ойида нишонланадиган Германия Федератив Республикаси ташкил этилганининг 70 йиллиги билан табриклади.

Сўнгги йилларда алоқалар жадал ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бораётгани, сиёсий мулоқотлар фаоллашаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Германия Ўзбекистоннинг ишончли ва истиқболли шериги эканини, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга интилишини алоҳида таъкидлади.

Томонлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида янада яқиндан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор экани қайд этилди. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янги стратегияси асосида Европа Иттифоқи — Марказий Осиё йўналишида ҳамда Германия — Марказий Осиё форматида муносабатларни мустаҳкамлашда давом этишларини таъкидлади.

Бўлажак учрашувда замонавий таҳдид ва хатарлар, аввало, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши айтиб ўтилди. Афғонистонда тинчлик жараёнини тез фурсатда бошлаш ҳам кун тартибидаги муҳим масалалардан экани қайд этилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида конструктив мулоқот, шунингдек, давлат бошқаруви тизимининг шаффофлигига ҳамда корупцияга тўлиқ барҳам берилишига эришиш мақсадида ҳамкорлик учун очиқ экани таъкидланди.

Томонлар инвестиция ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини билдирди. Ўзбекистон Президенти ташрифи арафасида ўтказилган бизнес-форумда 8 миллиард евродан зиёд қийматдаги янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани, бошқа битимлар бўйича ишлар давом этаётгани маълум қилинди.

Шунингдек, немис тили чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар тармоғини кенгайтириш, Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан алоқаларни ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг учрашувида асосий эътибор савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик асосий масалалар бўйича позициялар ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Самарали мулоқотни икки ва кўп томонлама шаклда, жумладан, нуфузли халқаро тузилмалар доирасида изчил давом эттиришга интилиш муштарак экани тасдиқланди.

Германия канцлери Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида иқтисодиётни модернизация қилиш ва жамиятни янада демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиш, кўп йиллик баҳсли масалаларни тинчлик йўли билан ҳал этиш ва минтақани глобал иқтисодиётга интеграция қилиш бўйича янги минтақавий сиёсатини олқишлади.

Томонлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалаларини ҳам кўриб чиқди. Давлатимиз раҳбари Германия ҳукуматига Орол фожиаси оқибатларини бартараф этишдаги кўмаги учун миннатдорлик билдириб, Берлинни Оролбўйи учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятида фаол иштирок этишга чақирди.

Мулоқотда хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масаласига, жумладан, Афғонистон муаммосини ҳисобга олган ҳолда эътибор қаратилди. Бу масалани барча томонлар иштирокида, афғонлар раҳбарлигида тинч йўл билан ҳал этиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Давоми 2-бетда. ▶

ЎЗБЕКИСТОН СОҒИНЧИ БИЛАН ЯШАЙМАН

Бу — Германиянинг Марбург университети катта илмий ходими, Самарқанд давлат университети битирувчиси Шарофжон Худойбердиевнинг иқрори

3

● *Германия Федератив Республикаси Марказий Европадаги энг ривожланган давлатлардан бири. Майдони — 357 минг км². Аҳолиси — 82,8 миллион киши. Пойтахти — Берлин шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 16 ҳудудга, округларга, туманларга бўлинади. Амалдаги Конституцияси 1949 йил 23 майда қабул қилинган.*

● *Йирик шаҳарлари: Берлин, Гамбург, Мюнхен, Кёльн, Франкфурт, Дортмунд, Штутгарт, Дюссельдорф, Ганновер, Нюрнберг, Лейпциг, Дрезден.*

● *Германия иқтисодиётининг асосий таянчи саноатдир. Бугунги кунда Германияда 3,5 миллионга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият юритади. Мамлакатдаги 70 фоиз аҳоли кичик ва ўрта бизнес соҳасида меҳнат қилади. Саноатининг асосий тармоқлари машинасозлик, кимё саноати, электр техника, озиқ-овқат, металлургия, кончилик, тўқимачилик, авиация ва космик йўналишдир.*

● *Мамлакат экспорт ҳажми бўйича дунёда 3-ўринни эгаллайди. Жаҳондаги тўқимачилик ва металлургия саноати технологияларининг 32 фоизи мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Четга асосан автомобиль, дастгоҳлар, кимё маҳсулотлари ва электр техника буюмлари чиқаради. Дунёга машҳур Audi, BMW, Mercedes-Benz, Opel, Volkswagen, Porsche каби автомобиллар ушбу мамлакатда ишлаб чиқарилади.*

● *Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари — буғдой, арпа, қанд лавлаги, картошка, шунингдек, узум, мева-сабзавот. Европа Иттифоқида ғалла етиштириш ва чорвачилик бўйича 2-ўринда, сут ишлаб чиқариш бўйича эса 1-ўринда туради.*

● *Германия ҳудудининг қарийб учдан бир қисми ўрмон билан қопланган. 2020 йилга келиб мамлакат электр энергияга бўлган талабининг 40 фоизини қайта тикланувчи энергия манбаларидан олишни режалаштирган.*

● *Бугунги кунда Германияда 6200 музей, 820 театр ва 8800 кутубхона фаолият юритмоқда.*

● *Аҳолисининг 90 фоиздан кўпроғи немислар; қисман данияликлар ва голландлар яшайди. Шаҳар аҳолиси 85 фоиздан ортиқ. Мамлакатда 7,2 миллион чет эллик яшайди. Археология маълумотларига кўра, Германия ҳудудида инсон 500-300 минг йиллар муқаддам пайдо бўлган.*

● *Ўзбекистон — Германия муносабатлари 1992 йилдан бошланган.*

● *Бугунги кунда Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида 132 та фирма ва компания фаолият юритмоқда. Шундан 33 таси юз фоиз немис капитали асосида тузилган, 31 таси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Ўзбекистон миллий банки Германиянинг 57 та банки билан алоқа ўрнатган. Тошкентда «Дойчебанк»бўлими ташкил этилган.*

«Марказий Осиё» атамасини биринчи бўлиб немис олими истеъмолга киритган.

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ: ЯНГИ МАЗМУН КАСБ ЭТГАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Германия Ўзбекистоннинг технология ва инвестициялар соҳасидаги асосий шерикларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида савдо соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион евродан ошган.

Музокарада бу кўрсаткични 1 миллиард еврога етказиш учун барча имкониятлар борлиги таъкидланиб, бу борадаги истиқболли йўналишлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида 132 та фирма ва компания фаолият юритмоқда. Шундан 33 таси юз фоиз немис капитали асосида тузилган, 31 таси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Ўзбекистон миллий банки Германиянинг 57 та банки билан алоқа ўрнатган. Тошкентда «Дойче-банк» бўлими ташкил этилган.

Мамлакатимизда дунёга машҳур немис компаниялари билан амалга оширилган йирик лойиҳалар муваффақияти ўзаро манфаатли инвестициявий ҳамкорликка мисол бўла олади. «MAN»-концерни билан шерикликда замонавий юк автомобиллари, «Claas»ва «Lemken»компаниялари билан қишлоқ хўжалиги техникалари, «Knauf»билан қурилиш материаллари, «Deutsche Kabel»-билан кабель-ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Германиялик мутахассислар иштирокида «Қарши — Термиз» темир йўли электрлаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Германия ишбилармонлар кенгаши ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича изчил иш олиб бормоқда. Молиявий-техникавий ҳамкорлик борасида маслаҳатлашувлар, савдо ва инвестициялар, қишлоқ хўжалиги бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳлар мажлислари ўтказилмоқда.

Учрашувда савдо, саноат, газ-кимё, қурилиш соҳаларида ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, молиявий-техник кўмак ва тажриба алмашишни кенгайтиришга келишиб олинди.

Ташриф доирасида кимё, қурилиш, энергетика, металлургия ва озиқ-овқат соҳалари етакчилари — «Siemens», «Tyssen Krupp», «Claas», «MAN», «Knauf", «Linde», «Papenburg», «Humana», «Volkswagen» каби халқаро миқёсдаги немис концернлари билан шерикликда янги кўп миллиардлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувга эришилгани мамнуния билан қайд этилди.

Илм-фан, таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, маданий алоқалар ва туристлар алмашувини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда 8 мингдан зиёд немис миллатига мансуб юртдошларимиз яшамоқда. Маданияти ва анъаналарини сақлаб, ривожлантириши учун барча шароит яратилган. 400 мингдан ортиқ ўқувчи немис тилини ўрганмоқда. Яқинда Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги мактабларга буюк немис олим ва ёзувчилари номлари берилди.

Тошкентдаги Гёте институти, Конрад Аденауэр ва Фридрих Эберт номидаги жамғармалар, Германия академик алмашинувлар хизмати (DAAD) ваколатхоналари ва бошқа ташкилотлар халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Пойтахтимиз ва бир неча вилоятларда бўлимлари бўлган «Видергебурт»немис маданият маркази, «Ўзбекистон — Германия» дўстлик жамияти фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда Германия фуқаролари учун 30 кунгача визасиз режим жорий этилгани муҳим воқеа бўлди. Бу мамлакатимизни кўришга қизиқадиган туристлар, бизнесини йўлга қўядиган инвесторлар ва бошқаларга катта қулайлик яратди.

Ташриф доирасида иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, илм-фан ва инновация соҳаларига оид ҳукуматлараро ва идораларо 9 та ҳужжат имзоланди. Томонлар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилишини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Бундестаги Раиси Вольфганг Шойбле билан ҳам учрашди.

Бундестаг Германиянинг бир палатали парламенти бўлиб, қонунлар қабул қилишдан ташқари Федерал канцлерни сайлаш ҳамда ҳукумат фаолиятини назорат қилиш каби муҳим функцияларни ҳам бажаради.

Ўзбекистон ва Германия парламентлари ўртасида яхши алоқалар йўлга қўйилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бундестаг билан ҳамкорлик бўйича «Ўзбекистон — Германия»гуруҳи, Бундестагда эса «Германия Федератив Республикаси — Марказий Осиё» гуруҳи ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқларимиз манфаатини таъминлашда парламентлар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Бундестаг Раиси мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида рўй бераётган ўзгаришларни юқори баҳолади.

Мулоқотда қонун устуворлигини таъминлаш, парламент назорати, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва бошқа соҳаларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича қабул қилинадиган «йўл харитаси"га асосан парламентлараро ҳамкорлик қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг Германияга расмий ташрифи барча даражадаги, жумладан, парламентлар ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб бергани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Бундестаг биносини кўздан кечирди. Мамлакатимиз делегациясига Бундестаг тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзида Мюнхен шаҳрига ташриф буюрди. Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган қароргоҳ ёнида Баварияда ўқиётган, ишлаётган ўзбекистонлик ёшлар билан мулоқот қилди.

22 январь куни Бавария Бош вазири Маркус Зёдер, Германиянинг етакчи компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

◀ *Давоми, бошланиши 1-бетда.*

АНЖУМАН

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов таваллудининг 81 йиллиги муносабати билан «Ислом Каримов — Ўзбекистон мустақиллиги ва тараққиётининг асосчиси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ислом Каримов номидаги хайрия жамоат фонди, Биринчи Президентимиз рафиқаси Татьяна Каримова, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг масъул ходимлари, илм-фан арбоблари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, тарихчи олимлар, институтнинг профессор-ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

БУЮК ИНСОННИНГ ЁРҚИН ХОТИРАСИ

— Мустақиллигимиз асосчиси Ислом Абдуғаниевич Каримов номи юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги, Ватанимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк шахс сифатида халқимиз қалбида абадий муҳрланиб қолди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти йўл хўжалиги бошқармаси бошлиғи Эркин Умматов. — У кишининг улкан жасорати туфайли 1991 йилда дунё харитасида янги суверен — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Истиқлолимизнинг илк кунларидан республикадаги барча соҳалар қатори темир йўл тизимида ҳам бир қатор муаммолар мавжуд эди. Шу боисдан ҳам темир йўл тизимини ривожлантириш мақсадида бир қанча янги ва муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, «Навоий-Уч Қудуқ — Нукус» янги темир йўл линияси, Амударё узра автомобиль ва темир йўл транспорти қўшма кўприги, умумий узунлиги 346 километрни ҳамда денгиз сатҳидан 1800 метр баландликда «Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл қурилиши ҳамда яна бир ўта муҳим лойиҳа — 19,2 км узунликдаги темир йўл тоннелини ўз ичига оладиган 123 километрлик «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темир йўл тармоғи қурилганини алоҳида айтиш лозим. Бу Ўрта Осиёда ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида энг узун замонавий тоннель ҳисобланиб, дунё миқёсида эса 13-ўринда туради.

— Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов шахсини абадийлаштириш мақсадида юртимизда ибратли ишлар амалга оширилди ва бу савобли ишлар давом этмоқда, — дейди «Ислом Каримов хотирасига бағишланган энг яхши илмий-оммабоп мақола» танлови ғолиби, «Бошлаётган таълим» журнали бош муҳаррири Ҳалим Саидов. — Аждодларимиз 130 йил орзуларан истиқлолни эълон қилиб, тарихимиз зарварақларида ўз номини муҳрлаган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов юртимизни дунёга танитиш йўлида умрини бахшида этди. Бундай баҳо одатда халқини мустамлака зулмидан озодликка олиб чиққан ҳар қандай юртнинг ватанпарвар раҳбарига нисбатан қўлланилиши табиий ҳол. Лекин уларнинг жуда оз қисмигина Ислом Каримовдек тадбир қўллаган — мамлакатнинг узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш дастурини ишлаб чиққан. Баркамол авлод тарбиясини кун тартибига қўйди.

У юртга раҳбарлик фаолиятини дунёнинг мангу саволи ҳисобланган «Нима қилмоқ керак?» сўроғига жавоб қидиришдан бошлади, фикримизча. Бунда инсониятнинг илғор тажрибаларини ўрганишдан аввал боболаримиз тадбиру таълимотларига эътиборини қаратди. Баркамол авлод тарбиясини кенг тартибга қўйди

Тадбир сўнгида институт ректори Маъруфжон Расулов Биринчи Президентимиз рафиқаси Татьяна Каримовага институтнинг фахрий ёрлиғи ва мажмуа раҳбарига «Оқсарой» музейи учун эсдалик совғаларини топширди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ГАЗЕТА ЎҚИМАЙ ҲАМ ЯШАШ МУМКИН»

МУЛОҲАЗА

Ҳеч кимни мажбурлаб китоб ўқитиб бўлмаганидек, газета ва журнал ҳам ўқитиб бўлмайди. Хоҳиши йўқ, ўқишдан фойда нималигини билмаган одам ўқимайдида. Эҳтимол, кимдир шундоқ ҳам ҳамма нарсани биламан, ўқиш шарт эмас, деб ўйлар. Эҳтимол, умуман ҳеч нарсани билишни истамас, ҳеч нарсага қизиқмас. Топган-тутганим ўзимга етарли, қорним тўқ, устим бут, нима қиламан бошимни қотириб, деса керак. Яна шундайлар борки, газетада ўқийдиган нарса йўқ, деб ҳисоблайди ва шу билан ўзини оқлагандек бўлади. Аслида охирги марта қачон газета ўқиганини эслай олмайди.

Бу гаплар ҳақида чуқурроқ ўйласангиз, ҳар хил фикр-мулоҳаза хаёлга келади. Масалан, шундай одамлар борки, эртадан кечгача кундалик юмуши, тирикчилик билан овора. Бошқа нарса уни қизиқтирмайди, дунёни сув босса ҳам иши йўқ. Бундайларга газета ўқи, дейиш фойдасиз. Бир даврада газета мутолаа қилиш, обуна ҳақида гап кетганда, маҳалламиздаги таниқлироқ тижоратчи йигит «газета ўқимай ҳам яшаш мумкин», деган эди. У ҳам ҳақ, ахир қанчалаб жонзотлар газета ҳам, китоб ҳам ўқимай яшаб юрибдику. Унинг фикрича, газета ўқиш билан қорин тўймаса, чўнтакка бир чақа кирмаса, нима қилади, обуна бўлиб, газета сотиб олиб?..

Айримлар қанча янгилик бўлса ҳам телевизордан кўраман, ижтимоий тармоқлардан ўқийманку, дейди. Тўғри, улардан кўп ахборотларни билиб олиш мумкин. Бироқ телевидение ижтимоий тармоқларнинг, ижтимой тармоқлар эса газетанинг ўрнини босолмайди. Ҳар бирининг афзалликлари, ўрни ўзига хос. Газета ва журнал, китоб ўқимайдиган тоифалар ижтимоий тармоқлардан асосан шов-шувли ахборотларни излашади. Ким ишдан кетди, ўрнига ким келди, ким қамалди, қайси ҳоким ўқитувчи ёки фермерни урибди, қаерга ўт тушибди...

Булар кўпчиликни қизиқтирадиган воқеа-ҳодисалар албатта, айримлари профилактик аҳамиятга эга. Аммо «Халқ сўзи», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Маърифат», «Қишлоқ ҳаёти», «Ишонч», «XXI аср», «Адолат», «Миллий тикланиш», «Оила ва жамият», «Жамият» каби газеталарда чоп этилаётган маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий мавзулардаги мақолалар қадрини билган билади. Президент фармони ва қарорларига фаол муносабатлар, уларнинг ижросига бағишланган таҳлилий-танқидий мақолалар, янги қабул қилинган қонунларга шарҳлар аҳамиятини тушунган тушунади. Ёки «Шарқ юлдузи», «Тафаккур», «Саодат», «Жаҳон адабиёти» каби журналларда чоп этилаётган асарлар, публицистик мақолалар фикримизни чархлайдиган, дунёқарашимизни кенгайтирадиган, маънавиятинимизни юксалтирадиган бебаҳо хазинаку.

Афсуски, оддий одамлар нари турсин, катта-кичик раҳбарлар орасида матбуот ва оммавий ахборот воситалари вазифасини бир томонлама, тор доирада тушунадиганлар борлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Уларнинг назарида матбуотнинг вазифаси фақат ахборот тарқатиш, янгиликларни ёритиш. Буни инкор этмаймиз, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим вазифаларимиз доирасига киради. Шунингдек, матбуот ва оммавий ахборот воситалари зиммасига халқимизнинг маърифати, маданиятини юксалтириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, жамоатчилик назоратини олиб бориш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро майдонда юртимиз, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишдек улуғ вазифалар юкланган.

Обуна ҳақида гап кетганда, «газетанинг сайтидан ўқиб олаверамиз», дейдиганлар бор. Уларнинг фикрича, одамлар интернет орқали кераклги ахборотни ўқиб олаверади. Бундайлар билармикин, бугун қишлоқ оилаларининг неча фоизи компьютерга эгалигини? Улардан неча фоизида интернетга уланиш имконияти борлигини? Ёши 60 дан ошган отахон ва онахонларнинг интернетга кириб, истаган хабарини топиб ўқиши осонми? Бунинг устига жойларда электр таъминоти билан боғлиқ масалалар ҳали тўла ҳал этилганича йўқ.

Яна бир оддий, аммо ўйлаб кўрилиши мумкин бўлган масала: ёш бўлар, кекса бўлар, қўл телефони ёки компьютер орқали бир кунда неча соат янгиликларни ўқиши мумкин? Бир ойда, бир йилдачи?.. Бунинг соғлиққа, хусусан, кўзга қанчалик зарари бор? Тиббиёт ходимлари бу ҳақда ўз фикрларини билдиришган.

Ўзимизни ўзимиз алдамай, мақтамай, бор ҳақиқатни тан олайлик, ҳозирча бутун мамлакатимиз компьютерлашиб, оммавий коммуникациялар билан қамраб олингани йўқ, бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Шу ўринда ўйлаб кўрайлик, дунёнинг энг ривожланган давлатлари ҳисобланган АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Хитойда компьютер, интернет, ижтимоий тармоқлар қачон пайдо бўлган эди? Бизга қараганда уларда оммавий коммуникациялар, ижтимоий тармоқлар бир неча баробар ривожланиб кетганку. Хўш, бу мамлакатларда газета-журналлар ёпилиб кетдими? Мутахассислар маълумотларига қараганда, юз минглаб, миллионлаб нусхаларда чоп этилмоқда.

Тўғри, интернет пайдо бўлиши билан одамларда ахборот олиш имконияти тезлашди, кенгайди. Бу янгилик босма нашрлар тиражи маълум даражада камайишига таъсир кўрсатди. Шунинг учун ҳам барча етакчи газеталарнинг электрон нусхалари йўлга қўйилди. Бу жараён такомиллашиб бораверади. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида ўзини эпполмаган, бугунги кун талабига жавоб беролмай қолган нашрлар ёпилиб, янги нашрлар пайдо бўлиши мумкин, бу табиий ҳол.

Матбуотнинг эртанги куни ҳақида гап бораркан, бир ҳақиқатни тан олишимиз зарурга ўхшайди. Мамлакатимизда кечаётган бугунги жараёнлар ва одамлар қизиқиши, талабидан келиб чиқиб, газеталар қиёфасини ҳам, мавзуларини ҳам ўзгартириб бориш керак бўлади. Ўртамиёна мақола ва ахборотлар, муассисларнинг бўлар-бўлмас тадбирларини ёритишдан воз кечишга тўғри келади. Одамларни қийнаб келаётган, уларга фойдаси тегадиган масалаларни, жамиятнинг оғриқли муаммоларини, маънавий озуқа берадиган мавзуларни кўпроқ ёритиш керак, деб ўйлайман.

Маълумки, кейинги пайтларда босма нашрлар обунаси ҳақида баҳс-мунозалар кўпайиб кетди. Газета нималигини билган ҳам, билмаган ҳам, обунанинг аҳамиятини тушунган ҳам, тушунмаган ҳам фикр билдирди. Мажбурий обуна билан обуна тарғиботини аралаштириб юборганлар ҳам бўлди.

Биринчидан, ҳеч кимни мажбурий обуна қилиш мумкин эмас, обуна бўласан, деб ойлик маошидан ушлаб қолиш ҳам ноқонуний ҳаракат. Бироқ қайсидир ташкилот ёки корхона касаба уюшмаси билан келишиб, ўз ҳисобидан ишчи-ходимлари учун обунани ташкил этса, нимаси ёмон? Корхона ёки ташкилотга газета-журнал кириб келса, кимга зиёни тегади? Ўқимагандан кўра, ўқиган яхши эмасми? Уйингизга газета-журнал олиб киринг, майли, ўзингиз ўқиманг, аммо фарзандларингиз уни қўлига олиб варақлайди, ўқий бошлайди, ўқишга кўникма шаклланади.

Яна бир савол кишини ўйлатади: ўқитувчи бўла туриб, «Маърифат»ни, фермер бўла туриб, «Қишлоқ ҳаёти»ни, сиёсий партия аъзоси, фаоли бўла туриб, партия нашрларини, катта-кичик раҳбар, депутат бўла туриб, «Халқ сўзи», «Народное слово»ни, спорт мураббийи, ходими бўла туриб, «Спорт» газетасини ўқимаган кишидан нимани кутиш мумкин? Кўпдан-кўп муаммоларимиз сабаби ана шу ўқимаслигимизга боғлиқ эмасмикин?

Обуна бўлган бўлсин, бўлмагани ўзи билади. Газета ўқишни хоҳламаган, ўқимай қўя қолсин, дейиш осон, енгил. Дейлик, фарзандингиз газета ҳам, китоб ҳам ўқишни хоҳламаса, ўқимасанг ўқима, дейиш керакми ёки уни ўқишга даъват этиш, ўргатиш керакми? Шу ўринда озгина мулоҳаза бор. Халқимизнинг неча фоизи газетхон ёки китобхон?.. Изоҳ шарт бўлмаса керак. Мамлакатимизда китоб нашр қилиш, китоб мутолаасини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар бекорга эмаслигини яхши биламиз.

Нега газета обунасини тарғибот қилиш, газета ўқишга даъват этиш мумкин эмас? Ҳозирча тарғибот, даъват керак. Вақти, соати келади, одамлар айтмасак ҳам ўқийдиган бўлади. Кўпчилигимиз кузатганмиз, кўрганмиз, қатор ривожланган мамлакатларда одамлар хиёбонда ўтирган бўладими, метрополитенда кетаётибми, қўлида газета, журнал ё китоб бўлади.

Қисқароқ, лўндароқ айтганда, газета бу — сиёсат, ғоя, мафкура, маърифат... Давлатнинг сиёсатини одамларга, одамларнинг хоҳиш-иродасини давлатга, ҳокимиятга етказадиган восита. Шундай экан, унинг кўп тарқалишидан давлат ҳам, жамият ҳам, таҳририят ҳам манфаат кўради. Нима учун дунёдаги айрим ташкилотлар ўз ғоясини ёйиш учун бепул газета, диск, китобларни тарқатади? Нега биз давлатимиз сиёсатини тарғибот қиладиган, халқимиз манфаатини ҳимоя этаётган нашрларни қўллаб-қувватламаслигимиз керак?

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларига ҳаётнинг ўзи катта талабларни қўймоқда. Аммо уларнинг шароити, муаммоларини қайси ташкилот ўрганиб, таҳлил этиб, тавсиялар бера олади? Муассис қаерга қараяпти, нега ёрдам бермайди, деган ҳақли савол туғилади. Ким айтолади, қайси муассис ўз нашрига қандай амалий ёрдам берганини? Ўрганиб кўрилса, бу масалада бир дунё камчилик, муаммо қалашиб ётибди. Таҳририят муассисга қарам, талаб қила олмайди, тортишса, гапи ўтмаслиги мумкин. Таҳририят тақдири муассис раҳбарияти савиясига боғлиқ бўлиб қоляпти. Саводли, зиёли, сиёсатни тушунадиган раҳбар бўлса яхши, акс ҳолда, таҳририят жамоаси муаммолар ичида қолиб, кераксиз масалаларга вақтини, асабини кетказади.

Яқинда ижтимоий тармоқларда ўқиб қолдим, Халқ таълими вазирлигининг нашрлари бирлаштирилиб, давлат унитар корхонасига айлантириладиган бўлибди. Тўғри, кимдир вазирга шу таклифни берган, маъқуллаттирган. Бунинг оқибатида вазирлик ўз нашрларини қўллаб-қувватлашнинг матбуот эркинлигига зид йўлини қабул қилаётганга ўхшайди. Матбуот билан боғлиқ масалаларда минг ўйлаб, соҳанинг билимдонлари билан маслаҳатлашиб, бир хулосага келинмаса, ортиқча муаммолар чиқади.

Президентимиз матбуот эркинлигини таъминлашга катта эътибор қаратаётган, жамиятимиз ҳаётида демократик принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ва таъсирчан омил ҳисобланади, деб турган бир пайтда бундай ёндашув демократик ислоҳотларга зид келмайдими?

Айрим муассислар раҳбарлари таҳририят, яъни журналистларни ўзига қарам ҳисоблайди. Нима десам айтганимни бажариши керак, деб ўйлайди. Журналист қарам бўлган жойда сўз эркинлиги ўлади, демократик жараёнларга путур етади, коррупция авж олади. Бундан аввало давлат зиён кўради.

Босма нашрлар обунаси муаммосида почта хизматининг катта «ҳиссаси» борлигини ҳам айтмоқ керак. Пойтахт Тошкентнинг ўзида нашрлар обуначиларга бир кун ўтиб, вилоятлар туманларига эса ҳафтада бир марта етказиб берилаётгани почта хизматининг бугунги фаолияти ниҳоятда сустлашиб кетганидан дарак бермайдими?

Матбуот ва ОАВ ҳақида фикр юритганда, уларни бир-бирига қарши қўйиш мутлақо нотўғри, аниқроғи, саводсизларча ёндашув бўлади. Уларнинг ҳаммаси бизнинг журналистика мактабимиз, оммавий ахборот воситаларимиз, маънавий бойлигимиз ҳисобланади. Уларга бир жон, бир тан каби қарамоғимиз керак. Мақсад ва вазифамиз ягона — улуғ халқимизга, азиз Ватанимизга хизмат қилиш. Шундай экан, бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, тўлдиришимиз керак бўлади.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

«Қанча кўп билимли бўлсак, шунча қудратли бўламиз»

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ГЕРМАНИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ЎЗБЕКИСТОН СОҒИНЧИ БИЛАН ЯШАЙМАН

Бу — Германиянинг Марбург университети катта илмий ходими, Самарқанд давлат университети битирувчиси Шарофжон Худойбердиевнинг иқрори

— Филипп номидаги Марбург университети 1527 йилда ташкил топган, — дейди Шарофжон Худойбердиев. — Мазкур университет Германиянинг қадимги таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Бу даргоҳда ўқиган ёки ишлаганлардан 11 нафари Нобель мукофоти лауреати бўлган. Бугунги кунда 16 факультетда, 26355 нафар талаба таҳсил олади. Университет Психология, микробиология, фармакология ва медицина йўналишлари бўйича юксак мавқега эга.



Ҳозирги кунда Германия таълим ва касбга йўналтириш, илм ва илмий тадқиқотларга кенг эътибор берадиган давлат сифатида танилган. Буни Нобель мукофоти соҳибларининг 91 нафари ушбу давлат вакиллари экани ҳам тасдиқлайди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 800 дан ортиқ талаба-ёшлари, илмий тадқиқотчилари Германия олий таълим муассасаларида таълим олаётганини ҳам айни шу билан изоҳлаш мумкин.

1981 йилда Самарқанд шаҳрида туғилганман. Отам — Абдумалик Худойбердиев Москвада номзодлик диссертацияси устида ишлаган пайтлари мени тез-тез ишхонасидаги лабораторияга олиб борар эди. Ҳозир у киши Самарқанд ветеринария медицинаси институтида ишлайди, техника фанлари номзоди, доцент. Чет элга хизмат сафарларига борганида менга доимо ноёб китоблар олиб келар эди. Онам — Ҳадича Орзибекова СамДУда ўқитувчи, вилоят ҳокимлиги ва суд-ҳуқуқ идораларида фаолият кўрсатган. Менинг илм-фанга қизиқишимга бобом, филология фанлари доктори, СамДУ профессори Раҳмонқул Орзибеков сабабчи бўлган. Бобомнинг жуда катта кутубхонаси бор эди. Амаким, филология фанлари номзоди, доцент Абдувоҳид Худойбердиевнинг ҳам кутубхонасида китоб мутолаа қилишни яхши кўрар эдим.

Биологияга қизиқишим туфайли Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги лицейда ўқиганимда шу фанга доир кўпгина адабиётлар билан танишдим. Бизга дарс берган устозларимга ҳурматим чексиз. Лицейда табиий фанлар, шу жумладан, биология фани ҳам инглиз тилида ўқитилар эди. 1996 йили Туркманистонда, 1997 йили Германияда биология фани бўйича халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, 2 карра бронза медалига сазовор бўлдим.

Кейин Самарқанд давлат университетида биология йўналишида таҳсил олиб бакалаврлик ва биотехнология соҳасида магистрлик даражасини қўлга киритдим. СамДУда ўқиш давомида Беруний ва Улуғбек номидаги давлат ҳамда Президент стипендианти бўлдим. Илк илмий изланишларим дунё юзини кўришида марҳум устозим доцент Мардон Ҳалимов ва профессор Зафар Исмоиловларнинг хизмати беқиёсдир.

2005-2007 йилларда Германиянинг Ҳейделберг университетида молекуляр ва ҳужайра биологияси йўналиши бўйича таҳсил олдим. Шу давр оралиғида менда марказий асаб тизимининг таркибий бирлиги — асаб ҳужайраларида кечадиган молекуляр биологик жараёнларга қизиқиш пайдо бўлди. Натижада, ушбу университетнинг Тармоқлараро нейробиология маркази профессори Герҳард Счратт раҳбарлигида магистрлик ишини ҳимоя қилдим. Шунингдек, Марбург университетининг физиологик химия институтида номзодлик диссертациясини ёқладим. Ҳозирги вақтда Марбург университетининг физиологик химия институтида катта илмий ходим сифатида фаолият кўрсатиб келяпман. Илмий изланишлардан ташқари магистр ва аспирантларнинг илмий ишларига раҳбарлик қиламан. Медицина факультети талабаларига биохимиядан семинар ва амалий машғулотлар ўтаман ҳамда бакалаврларнинг махсус гуруҳига нейробиологиядан маъруза ўқийман.

Илмий изланишларим давомида микро рибонуклеин кислоталарнинг асаб ҳужайраларида оқсил биосинтезини регуляция қилувчи бир қатор механизмларни аниқладим. Улардан бири асаб ҳужайра ўсимтаси — дендритнинг ривожланишини назорат қилади. Дендритларнинг вақтида ва тўла меъёрда ривожланиши асаб тизими фаолиятининг асосидир. Масалан, сезги аъзоларимиз орқали қабул қиладиган барча маълумотлар, хотира пайдо бўлиши каби мураккаб физиологик жараёнлар айнан шу дендрит ва унинг синапс (иккита асаб ҳужайраси ўртасидаги тузилма) ҳосил қилишида иштирок этадиган ўсимтанинг ўзгариши натижасида рўй беради. Асаб ҳужайраларидаги бундай молекуляр биологик жараёнларни ўрганиш, бир тарафдан, марказий асаб тизимининг ишлаш принциплари ҳақида янги маълумот берса, иккинчи томондан унинг дисфункцияси натижасида содир бўладиган кўпгина касалликларнинг (жумладан, паркинсон ёки альцгеймер) олдини олиш учун янги метод ва препаратлар ишлаб чиқилишида ёрдам беради.

Бугунга қадар илмий изланишларим натижалари сифатида 9 мақолам турли илмий журналларда чоп этилди. Улар ичида юқори рейтингларга эга бўлган «The EMBO Journal» ва «Nature Chemical Biology» журналлари ҳам бор.

Келажак режаларимга келадиган бўлсак, бу биринчидан ўзимнинг, мустақил илмий изланиш гуруҳимга эга бўлиб, нейродегенератив касалликлар (альцгеймер, деменция) соҳасида тадқиқот ишлари олиб бориш. Иккинчидан, университетда дарс бериш ниятим ҳам бор.

Мен билан учрашган кўп немислар, мени Шарқий Осиёдан, жумладан, Хитойдан деб ўйлайдилар. Лекин Ўзбекистонданман, деганимда, ҳайрон бўлиб, ўзбекистонликни биринчи бор учратганликларини айтишади. Чунки айнан менинг соҳамда Ўзбекистон билан илмий алоқалар ҳозирча ўрнатилмаган. Немисларнинг кўпчилиги Ўзбекистон қаердалигини билишади, лекин бизнинг тарихимиз ва маданиятимиз ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Буни нафақат Ўзбекистон, балки барча Ўрта Осиё давлатлари тўғрисида айтиш мумкин. Самарқанд ва Буюк Ипак йўлидаги бошқа шаҳарларимиз немислар тасаввурида эртак ва афсонавий бир диёр сифатида гавдаланади. Италиялик ҳамкасбимнинг ота-онаси икки марта Самарқанд ва Бухорога бориб, жуда илиқ хотиралар билан қайтишган.

Айрим Германия университетларининг Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари билан биргаликда амалга оширадиган лойиҳалари мавжуд. Бунинг натижасида немисларнинг Ўзбекистон ва халқимиз ҳақидаги фикрлари ва таассуротлари ижобийдир.

Минг афсуски, мен фаолият олиб бораётган соҳа — молекуляр нейробиология йўналиши Ўзбекистонда деярли йўлга қўйилмаган. Шунинг учун илмий изланишлар борасида ҳамкорлик қилиш имконияти мавжуд эмас. Агарда келажакда бунинг имкони бўлса, бажонидил иштирок этар эдим. Ўқув жараёни соҳасидаги ҳамкорликка келадиган бўлсак, 2019 йилда Самарқанд давлат университети талабалари билан бир неча бор семинар ёки онлайн тақдимотлар ўтказишни режалаштирдик. Худо хоҳласа, қанчалик ишим кўп бўлишига қарамасдан, бунинг учун вақт ажратишга ҳаракат қиламан. Бу менинг илк таҳсил олган университетим ҳамда юртдошларим олдидаги бурчимдир.

Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан барча соҳаларда амалга оширилаётган тезкор, кенг қамровли ислоҳотлар доимо мен ва оилам диққат марказида. Ўзгаришлар жадаллиги ва ижобийлиги билан бу тарихий жараён бевосита мамлакатимиз раҳбари номи билан боғлиқлиги халқаро доираларда ҳам эътироф этилмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи Ўзбекистоннинг Германия ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамланишига, иқтисодий, ижтимоий ва илмий соҳаларда ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очиб беришига ишонаман. Бу ташриф шахсан менда, юртидан узоқда ватанини соғиниб юрган бир инсонда ғурур ва ифтихор уйғотади.

Қузатишимча, Германиядаги ҳамда Европа Иттифоқидаги оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистонда бугун содир бўлаётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни ижобий баҳоламоқда. Ўзбекистон раҳбарининг дастлаб Францияга, шу кунларда Германияга ташриф буюриши оламшумул воқеа сифатида кенг ёритилмоқда. Ҳамкасбларим Президентимиз ташрифи муносабати билан мени қутлашмоқда.

Ҳозирда мен оилам билан Германияда яшайман, турмуш ўртоғим Марбург университети клиникасининг психиатрия бўлимида ишлайди, фарзандларимиз шу ерда таҳсил олишади. Илмий ишим борасида Германияда имкониятлар катта. Бундай вазиятдан унумли фойдаланиш лозим деб ҳисоблайман. Яқин келажакдаги режаларим ҳозирги вақтда бошлаб қўйилган изланишлар билан боғлиқ. Афсуски, молекуляр нейробиология соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар, туб ислоҳотлар бўлишига ишонаман.

Ўзбекистон соғинчи билан яшайман. Бу туйғу доимий ҳамроҳимиз. Оиламиз лексиконида ишлатиладиган «Уй» сўзи Самарқанддаги уйимиз маъносини беради. Мен турмуш ўртоғимга «Уйга қўнғироқ қилиш керак» десам, у ўз-ўзидан ота-онам билан гаплашиш кераклигини тушунади. Қолаверса биз, Ватанимизнинг иссиқ иқлими, мазали таомлари, мева-чеваси, одамлари ва она тилимизни жуда соғинамиз. Юрагимда, ич-ичимда мен Ўзбекистон, Самарқанд фарзандиман. Бир умр бундан фахрланаман.

Келажакда Германияда орттирган тажрибам билан Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари, жумладан, Самарқанд давлат университети талабалари билан ишлаш ниятим бор. Уларда мазкур соҳага қизиқиш уйғотиш ва алмашув дастурларини ташкил этиш юзасидан амалий ишларни бошлаймиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германияга давлат ташрифи Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатларни янада яхшилашга хизмат қилишига ишонаман.

Фаррух ҲАМРОЕВ

> Мен билан учрашган кўп немислар, мени Шарқий Осиёдан, хусусан, Хитойдан деб ўйлайдилар. Лекин Ўзбекистонданман, деганимда, ҳайрон бўлиб, ўзбекистонликни биринчи бор учратганликларини айтишади. Чунки айнан менинг соҳамда Ўзбекистон билан илмий алоқалар ҳозирча ўрнатилмаган.

ТАДБИР

Республика Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашида 2018 йил якунига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Иттифоқ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Алишер Саъдуллаев эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликларни таҳлил этди. Уюшмаган ёшларни бирлаштириш, улар бандлигини таъминлаш, ёшларга оид қонунлар ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида қатор мисоллар келтирди. Ҳусусан, 70 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани, 22 000 дан ортиқ бошланғич ташкилот фаолиятини кучайтириш борасида кўрилган чора-тадбирлар таъкидлаб ўтилди. Айниқса, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

«АВВАЛО, ЁШЛАРНИ ЭШИТИШ КЕРАК»

«Ёшлар — келажагимиз» жамғармаси йўлга қўйилиб, 6 ой мобайнида 3141 та бизнес лойиҳага жами 403,2 млрд сўм миқдоридаги имтиёзли кредит ажратилиб, 19 991 та янги иш ўрни яратилди. Йил сўнгида жамғармадан имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйган ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Шунингдек, ўтган йилда 1 066 нафар ёш фермерга 52 млрд сўм, ёш тадбиркорларнинг 4300 та лойиҳасига 226,6 млрд сўм, жами 278,6 млрд сўм 13 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминланди.

Меҳрибонлик уйларининг собиқ тарбияланувчилари ҳамда жисмоний имконияти чекланган 227 нафар талаба ёшларга тўлов — контракт маблағининг 50 фоизи, жами 800 млн сўм маблағ тўлаб берилди. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 6634 нафар, турли меҳнат ярмаркалари ёрдамида 8540 нафар, Ёшлар Иттифоқига бевосита мурожаат қилган 24 872 нафар, жами 60 000 дан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилди.

Иттифоқ тизимида «2018 йил — Ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ишларини самарали ташкил этиш йили», деб эълон қилинди. Бунинг натижасида ҳудудий кенгашлар қошида 443 та «Жасорат» клуби тузилиб, уларда 9636 нафар муддатли ҳарбий хизматдан қайтган, спорт билан шуғулланадиган ва Ички ишлар органларига ишга кириш истагида бўлган ёшлар аъзоликка қабул қилинди. Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим сифатида «Ҳоким ва ёшлар», «Прокурор ва ёшлар», «Суд ва ёшлар», «Депутат ва ёшлар» мавзулари бўйича очиқ мулоқотлар ўтказилиб, 22 000 дан ортиқ муаммо ҳал этилди. Халқаро алоқалар йўналишидаги ишлар ҳам тизимли йўлга қўйилди. Ёшлар делегациялари Хитой, Германия, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Беларус каби йигирмага яқин давлатга хизмат сафарига юборилди. Бу каби ташкилий тадбирлар кўлами кенг.

Мен тадбир якунида ўзимни қизиқтирган саволга Алишер Саъдуллаевдан жавоб олишга ҳаракат қилдим.

— Ўзингиз таъкидлаганингиздек, Иттифоқ тизимида 2018 йил ёшлар жиноятчилигига қарши курашга бағишланган эди, аммо интернет тармоқларида ёшларни ўз жонига қасд қилиш ҳодисалари ҳақидаги маълумотлар кузатилмоқда. Айтингчи, тушкунликка тушган ёшлар билан ишлаш бўйича қандай янги лойиҳалар амалга оширилмоқда?

— Биз бу масаладаги фаолиятимизни жойларда тушкунликка тушган ёшларни топиб, уларнинг феъл — атворини ўрганиб чиқишдан бошлаганмиз. Янги лойиҳага кўра, эндиликда биз психологик суҳбат жараёнлари учун нафақат ҳудудларнинг ўзида, балки, интернет тармоқлари орқали махсус канал - бот ва «call center», яъни қўнғироқли алоқа тизимини йўлга қўямиз. Ёшларнинг муаммоларини ечиш учун аввало уларни эшитиш керак.

Тўғри, ёшларни эшитиш зарур. Доим эшитиш керак, самимий суҳбатлар асосида тинглаш лозим. Эшитгач, уларнинг муаммолари бўйича жиддий қайғуриш зарур бўлади. Ҳал этилмаган муаммолар янги, янада оғир муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Ойсанам ҒУЛОМЖОНОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

САБОҚ

МЕНИ МАҚОЛА ЁЗИШГА ДАЪВАТ ЭТГАН «ЖАЗО»

Пойтахтимиздаги таҳририятлар биносининг зиналаридан шошилиб тушиб бораётганимда, 3-қаватда «Ўзбекистон овози» газетасининг ходимига дуч келдим. Салом берганимдан сўнг, мени дарҳол таниб, ҳол-аҳвол сўради. Сўнгра ваъда қилинган мақоладан дарак бўлмаётганлигини айтиб бироз танбеҳ берди. Ҳижолат тортдим. Биз Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари дарс тугаши билан газеталар таҳририятларига боришни одат қилганмиз. Ушбу жараёнда таҳририят фаолияти билан танишиб, мақолалар ёзишни ўрганишимиз керак. Аммо университетда ўқишни бошлаганимизга беш ой бўлган бўлса-да ҳалигача газеталарда мақолам чиқмаётгани сабабини сўради. Шошилиб жавоб бераолмадим.

Шундан сўнг газетанинг ходими «Янги очилган университет талабалари нега мақола ёзмаяпти?» сарлавҳали танқидий мақола ёзмоқчилигини айтиб қолди. Ана шу мақолада сизнинг исм-фамилиянгиз катта-катта ҳарфлар билан ёзилади, деди. Ноқулай вазиятдан чиқиш учун суҳбат мавзусини ўзгартиришга ҳаракат қилдим, устознинг кеча газетада чоп этилган танқидий мақоласи тўғрисида сўз очдим. Чалғитишга қилинган ҳаракатлар ўз самарасини берди. Шундан сўнг танқидий мақолалар тўғрисида суҳбат бошланди.

Қизғин суҳбат жараёнида турли ҳудудлардан келаётган шикоят хатлари, журналист маҳорати тўғрисида ҳаётий мисоллар келтирилди. Ўзимга анчагина фойдали сабоқ олдим.

Аммо суҳбат сўнгида юқорида тайинланган «жазо» ижроси муқаррар эканлиги ҳазиломуз оҳангда қистириб ўтилди. Албатта, бу «жазо» жиддий айтилмаганлигини яхши англаб турардим. Аммо унинг сарлавҳаси жонжонимдан ўтиб кетди. Янги университетнинг илк талабаларидан бири бўлиш катта шараф ва масъулиятлиги, бу номга муносиб бўлиш зарурлигини чуқурроқ ҳис этдим.

Шу сабабли, университетимиз талабаларининг бир кунлик дарс жараёнлари ҳақида қисқача ҳикоя қилишни мақсад қилдим. Университетимизнинг бошқа олий таълим муассасаларидан фарқли жиҳати шундаки, журналистика университетида талабаларга 1-босқичданоқ касбга оид фанлар ўргатилмоқда. Ҳар бир фан малакали ўқитувчилар томонидан интерфаол усулда олиб борилади. Яъни талаба мавзуни чуқур ўзлаштириб, хулосаларини слайдларда акс эттирган ҳолда, тақдимот ўтказиши лозим. Бундай тақдимотлар деярли барча фанлардан амалга оширилади. Китоб мутолаасининг барча ижобий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда Мутолаа маданияти номли ўқув жорий қилинган бўлиб, ҳар ҳафтада биттадан асар ўқиб тугатилиши ва унга бағишланган тақриз ёзиш жараёни талабаларнинг вақти беҳуда сарфланмаслигида муҳим омиллардан бири бўляпти.

Дарсдан кейинги тадбирлар-у учрашувлар бу — алоҳида масала. Ҳозирча мавзуга қисқача тўхталаман. Бизнинг университетда талабалар ўзлари танлаган касб сир-асрорлари ва назариясини чуқур ўрганишлари учун деярли ҳар куни малакали мутахассислар иштирокида тренинглар ўтказилади. Ҳафтанинг ҳар жума куни эса, замонавий ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари билан суҳбатлар уюштирилмоқда.

Университет ректори хорижий мамлакатлар олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида тинимсиз саъй-ҳаракатлар олиб бориб, бугун бу борада салмоқли натижаларга эришилгани, кўплаб шартномалар имзолангани кўпчиликка маълум. Ана шу шартномалар асосида талабалар 2-босқичдан амалиёт жараёнининг маълум муддатини хорижий мамлакатларда ўташи кўзда тутилган. Шу боисдан биз талабалардан бир неча хорижий тилларни мукаммал ўзлаштириш талаб этилади. Бу борада қўшимча дарс машғулотлари яқиндан ёрдам бермоқда.

Ҳа, яна бир муҳим жиҳати, дарс жараёни бироз ёдимдан кўтарилибди. Медиа таҳририят структураси номли амалий дарсда ўқитувчимиз Перхан Алламбергенова кўмагида деярли барча республика нашрлари фаолияти билан яқиндан танишишга улгурдик. Дарс мазмуни шунчаки танишув билан чекланмай, ушбу нашрларга мунтазам мақолалар ёзиб туришни ҳам талаб этади. Ўзимдан келиб чиқиб гапирадиган бўлсам, юқорида ҳикоя қилинган тиғиз кун тартиби, қизғин дарс жараёнлари сабабли ҳар доим ҳам мақолалар ёзишга вақт топаолмаяпман. Аммо бу кун тартиби фақатгина биз талабаларнинг фойдамизни кўзлаб тузилган бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан юксак билимли, етук журналист бўлиб шаклланишимизда мустаҳкам пойдевор бўлиши мақсад қилинган.

Шунингдек, талабаларнинг қалами чархланиб бориши учун кўплаб газеталар таҳририятлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги ҳам айни шу мақсадга хизмат қилади. «Ўзбекистон овози» газетасининг ходимининг танбеҳи мени ҳушёр торттирди, касбимга бўлган меҳрни янада кучайтирди, елкамдаги масъулият юки салмоғини чуқурроқ ҳис этишга туртки бўлди. Таҳририят ходимининг «жазо»сидан кўзланган асл мақсад шу бўлса керак, деб ўйлайман.

Мавжуда САТТОРОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

Уй – жой коммунал хўжалиги — бу мураккаб иқтисодий тизим.

Ўзбекистон — Ҳиндистон:

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА, МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

МУНОСАБАТ

Козим БАЙЗАКОВ,
Ўрта Чирчиқ туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:

— Дунё харитасида давлатлар кўп, уларнинг ҳар бири ўзига хос табиати ва географик ўрнига, такрорланмас урф-одатларига эга. Бироқ шундай минтақа ва давлатлар борки, тарихда ҳам, бугун ҳам дунёни ўзига мафтун этиб, кўпчиликнинг қизиқишу интилишига сабаб бўлади. Ана шундай давлатлардан бири Ҳиндистондир.

Ҳинд замини нимаси билан мафтункор? Жавоблар турлича бўлиши мумкин. Муҳими, ҳинд ери дунё гавҳарларидан ҳисобланиб, унинг бой табиати, ҳайвонот дунёси, халқининг меҳнаткашлигию самимийлиги сабаб бўлса ажабмас.

Ўзбек ва ҳинд халқи минг йиллар давомида тақдири туташ, десак муболаға бўлмас. Буни Абу Райҳон Беруний-нинг «Ҳиндистон» асари ва Ибн Синонинг ҳинд халқи ҳақидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин. Демак, Ҳиндистон тарихи билан ўзбек халқининг тарихи муштаракдир. Машҳур ҳинд ёзувчиси Неру айтганидек, Бобурийларсиз Ҳиндистон тарихини тасаввур қилиб бўлмайди.

Бугун эса Ўзбекистон ва Ҳиндистонни дўстлик, ўзаро ишонч бирлаштиради. Ўзбекистон анча аввал ҳинд халқи ва раҳбарияти билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаган. Ҳиндлар Ўзбекистонни ва унинг пойтахти Тошкентни дўстлик шаҳри, деб билади. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари ҳар томонлама мустаҳкамланиб, ривожланиб борди. Хусусан, қурилиш, фармацевтика, меҳмонхона иши, енгил саноат, туризм, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик шулар жумласидандир.

Ҳиндистоннинг Гужарот штати савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш майдонига айланиб улгурган. Ҳар йили йирик савдо-иқтисодий саммитлар шу ерда ўтказилади. Бу ҳудудда 5 минг йил муқаддам цивилизация гуллаб-яшнаган. Бу штат атоқли давлат арбоби Маҳатма Ганди туғилган маскан сифатида ҳам машҳур.

Гужарот Ҳиндистондаги асосан тамаки, пахта ва ерёнғоқ маҳсулотлари етиштириладиган штат саналади. Вирамгама, Нарбада ва Дхадара туманларида Ҳиндистондаги энг аъло сифатли пахта навлари, гуруч, ғалла ва маккажўхори етиштирилади. Чорвачиликка катта эътибор қаратилади.

Президентимизнинг куни кеча Ҳиндистонга навбатдаги ташрифи ҳам айнан Гужарот штатида бўлди. Ташриф доирасида Президентимизнинг ўтган йили октябрь ойидаги Ҳиндистонга давлат ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган битимларнинг амалий ижроси билан боғлиқ масалалар, икки давлат ўртасидаги кўп қирали ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ҳиндистонлик ҳамкорлар билан Тошкент шаҳрида илғор ахборот технологиялари технопарки, Андижон вилоятида фармацевтика зонаси ташкил этилмоқда. Ҳиндистон Эксимбанки билан Ўзбекистондаги ижтимоий муҳим лойиҳаларни молиялаштириш учун қиймати 200 миллион долларга тенг кредит линияси ажратиш бўйича келишувга эришилгани ҳам қувончли хабар бўлди.

Янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда Ҳиндистоннинг етакчи олий ўқув юртлари — Амити ва Шарда университетлари филиаллари ўз ишини бошлайдиган бўлди. Амити халқаро рейтинга кўра, дунёнинг энг нуфузли мингта, Осиёнинг эса уч юзта олий ўқув юрти қаторига киради. Шарда Университети ҳам Ҳиндистоннинг етакчи олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. 55 мамлакатдан келган 20 мингдан ортиқ талаба таҳсил олаётган билим даргоҳида муҳандислик, тиббиёт, тиллар тадқиқоти, менежмент бошқаруви, санъат, архитектура ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади.

Шахсан мен давлатимиз раҳбарининг чиқишларидан ниҳоятда қаяжонланиб, фахрландим. Бунга Президентимизнинг нуфузли халқаро саммитда ўзбек тилида нутқ сўзлагани сабаб бўлди. Бу давлатчилигимиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳр, ҳурмат белгиси, дунё олдида ўзбек халқининг ҳеч кимдан кам бўлмай, юксак марралар сари интилаётганидан, деб билдим.

МУЛОҲАЗА

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР: ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИШ КЕРАК

Боймурод ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:

— Мамлакатимизда мутасадди ташкилотларга энг кўп мурожаат қилинадиган, қолаверса, аҳоли орасида энг кўп муҳокама этиладиган соҳалардан бири коммунал хизматлар билан боғлиқ.

Президентимизнинг 2017 йил 18 апрелдаги «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳада олиб борилаётган ишларни тубдан яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Фармонга мувофиқ, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар)лардаги бўлимлари ташкил этилди. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 4 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати 32,4 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатмоқда.

Уй-жой коммунал хўжалиги — бу мураккаб иқтисодий тизим. — Бу тизимда қанчадан-қанча ташкилотлар, минг-минглаб юртдошларимиз меҳнат қилади.

Уй-жой хўжалигининг ҳолати бугунги кунда давлатнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Бу асосан уй-жой фондларининг эскиргани, кўрсатилаётган хизматлар учун тарифларнинг шаклланиши, бошқарувчи компанияларнинг аҳоли олдидаги мажбуриятларини деярли бажармаслиги, жорий ва капитал таъмирлар вақтида амалга оширилмаслиги, авария ҳолатидаги уй-жойлардан аҳолини кўчириш каби масалалар айниқса долзарб.

Коммунал хизматлар ва кўп қаватли уйларда турар жойдан фойдаланиш харажатлари нархларининг ижтимоий мақбуллик даражасини таъминлаш, табиий монополия субъектлари бўлган корхоналарнинг хизматлари (электр ва иссиқлик қуввати, газ таъминоти, ичимлик суви ва канализация хизматлари)га нарх ва тарифларни ўрнатишнинг иқтисодий асосланган аниқ мезонларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Хусусан, истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчилар (электр энергияси, газ, иссиқ ва совуқ сув, бошқа коммунал хизматлар) ўртасида тузиладиган шартнома шартларини ўрганиб чиқиб, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги масаласига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлса, амалдаги қонунларга ўзгартиш киритиш зарур. Ўзбекистон ХДП ушбу долзарб масалаларда ташаббуслар билан чиқишни режалаштирди.

Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида кўп қаватли уй-жой фондини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиб, хорижий тажриба асосида янги дастур ишлаб чиқиш, иситиш тизимини яхшилаш, Уй-жой мулкдорлари ширкатларида маъмурий харажатларни камайтириш учун профессионал бошқарув компаниялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш вазифаси белгиланди. Мамлакатимизнинг сейсмик минтақада жойлашганини инобатга олиб, юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида фойдаланиш муддати тугаган, эскирган кўп қаватли уйлар ўрнида босқичма-босқич янги бинолар қуриш бўйича реновация дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Маҳаллий ижро ҳокимияти идоралари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини етарлича мувофиқлаштирмаяпти. Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланиш борасида комплекс ёндашувнинг йўқлиги сифатли коммунал хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга тўсиқ бўлмоқда. Бу мулкдорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Кўп хонадонли уй-жой фондини сақлашни назорат қилишнинг самарали тизими ташкил этилмаган. Кўп ҳолларда уй-жой фондини техник эксплуатация қилиш, хавфсиз яшаш бўйича белгиланган талаблар бузилишига йўл қўйилмоқда.

Бино ва иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришга оид қоидаларга, муддатларга риоя этилмаяпти. Уйларга туташ ҳудудларнинг ҳолати санитария меъёрлари, қоидаларига жавоб бермайди.

Аҳоли сифатли ичимлик суви ва марказлаштирилган иссиқлик таъминоти билан етарли даражада таъминланмаяпти. Қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини тўла-тўкис таъминлай олмаяпти.

Жумладан, соҳада бошқарувнинг иқтисодий усулларига нисбатан маъмурий усулларнинг устунлиги, хўжалик юритишда сарф-харажатларнинг юқорилиги, хизматлар кўрсатиш жараёнида энергия ресурсларини йўқотиш даражасининг юқорилиги ислоҳотларга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Тарифларни шакллантиришда шаффофликнинг етишмаслиги, харажатлар сарфи борасида аҳоли хабардорлигининг талаб даражасида эмаслиги, хусусий уй-жой ширкатлари аъзоларининг бозор шароитида фаолият юритиш борасида билим ва кўникмаларнинг етишмаслиги ҳам ҳолатга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.



Хуллас, бугун уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш зарурати жуда юқори. Қишлоқ жойларда коммунал хизмат кўрсатиш тизими ҳанузгача муаммолигича қолмоқда. Масалан, электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашдаги муаммолар ҳали-ҳамон ўз ечимини кутяпти. Туман, шаҳар, вилоят марказларидаги кўп қаватли уйларнинг аксариятида бу хизматлар яхши йўлга қўйилмагани ачинарли ҳолдир.

Мазкур соҳага оид муносабатларни тартибга солиш долзарб, кечиктириб бўлмайдиган муаммога айланган. Уни ҳал этиш учун биринчи навбатда меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, уларни ҳар томонлама такомиллаштириш зарур.

Бу жараёнда бошқариладиган нарх ва тарифларни шакллантириш механизмини такомиллаштириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатишнинг ягона ҳуқуқий стандартларини ўрнатиш, бошқарувнинг самарали механизмини йўлга қўйиш, тарифлар ўрнатишнинг шаффофлиги ва асосланганини таъминлаш, давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Шу мақсадда «Уй-жой, коммунал хизматлар ва уларнинг тарифлари тўғрисида» қонун лойиҳаси ишлаб чиқишни таклиф қиламан.

СУРХОНДАРЁЛИКЛАР ҚАНДАЙ МУАММОЛАРГА ЕЧИМ КУТЯПТИ?..

Қумқўрғон туманидаги айрим қишлоқларда 40-50 километрдан сув ташиб ичилади

ҲАЁТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Республика ишчи гуруҳи Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва туманларида ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларидаги ҳолатни ўрганди.

Ишчи гуруҳ аъзолари орасида **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев** ҳам бўлди. Депутатнинг айтишича, сурхонликларни асосан газ масаласи қийнаб келмоқда. Маълум бўлишича, аҳолининг атиги 19,8 фоизи узлуксиз табиий газ билан таъминланган, холос. Тармоқдаги муаммоларнинг асосий қисмини истеъмолчиларни ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳукумат қарори ижросидаги адолатсизликлар келтириб чиқармоқда. Ва бу фуқароларнинг норозилигига сабаб бўляпти. Қарорга кўра, бутун республика бўйлаб самарали тизим жорий этиш кўзда тутилган. Бироқ амалда кутилган натижага эришилмади.

Хусусан, вилоятда суюлтирилган газга эҳтиёж 102,5 минг тоннани ташкил қилиб, республикадан фақат 54,1 минг тонна ажратилмоқда. Белгиланган талабга кўра, бир хонадонга 20 кг. дан суюлтирилган газ етказилиши кўрсатилган. Ҳозирги кунда амалда 13,1 кг. дан берилмоқда. Кўплаб аҳоли хонадоннинг суюлтирилган газ билан таъминланмаган ва 38779 та газ балон етишмайди. Инсоннинг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган восита ва манбаларнинг йўқлиги унинг кайфиятига, ишига ва ҳатто соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Республика ишчи гуруҳи аъзолари уйма-уй юриш жараёнида аниқланган муаммолар туман сектор раҳбарларига бир ой муддатда бартараф этиш шарти билан топширилган экан. Шунга қарамасдан, қайта ўрганишда ҳанузгача маҳаллий давлат идоралари ўз ваколати доирасидаги ишларга лоқайдлик билан қарамоқда. Муаммоларнинг 67 фоизи бартараф қилинмай қолмоқда. Масалан, Қизириқ туманида аниқланган 15470 та муаммодан 42 фоизи ҳал этилган. Бу энг юқори кўрсаткич бўлиб, Олтинсойдаги 5835 муаммонинг 12 фоизигина ечим топган. Қолган ҳудудларда ҳам аҳвол яхши эмас.

Бундан ташқари, ичимлик суви, йўл қурилиш, электр таъминоти, бандлик, соғлиқни сақлаш, ер-кадастр, банк кредити, уй-жойга муҳтожлар ва моддий ёрдам билан боғлиқ муаммолар етарли. Одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, коммунал хизмат сифатини яхшилаш, оби-ҳаёт манбаи билан таъминлашни кечиктириб бўлмайди.

Вилоятда жами 1212 та кўп қаватли уй бўлиб, уларнинг 652 тасида канализация тармоғи, 1065 тасида иситиш тизими йўқ. 126 та уйнинг том қисми таъмирталаб эканини айтди Турсунпўлат Норбоев.

Тоза ичимлик суви таъминоти эса вилоят аҳлининг 49,9 фоизини қамраб олган. 6787 км. тармоқнинг 2408 км. қисмини таъмирлаш ва 3273 км. янги сув қувурлари тортиш зарур. Вилоятнинг ичимлик суви билан таъминланмаган энг узоқ ҳудудларидан Қумқўрғон тумани «Овзукент», «Саховат», «Тайфан», «Тибет» маҳаллалари аҳолиси 45-50 км узоқликдан сув ташиб ичади. Ўрганиш давомида 8020 та ичимлик суви билан боғлиқ мурожаат бўлиб, ҳудудлар бўйича баъзи долзарб муаммолар мавжуд.

Жумладан, Қизириқ туманида 162774 нафар аҳолининг 52472 нафари (32,2%) марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. Туман аҳлини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 260 км. масофага қувур тортиш зарур. Узун туманида 129 та сув қудуғининг 41 таси насос йўқлиги сабаб ишламайди.

Ёки Музрабод туманини олайлик. У ерда яшовчи аҳолининг 24,7 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. 15 та маҳаллада ичимлик суви йўқ ва улар сувни махсус техникалар билан ташиб келади.

Шеробод-ликлар учун 6 та сув иншоотини янгилаш, 2000 метр куб ҳажмдаги сув сақлаш ҳавзаси қуриш, 59 км. қувурни таъмирлаш лозим. Бойсун тумани Хўжамайхона сув йўналишидан 71 км. ҳамда Шеробод туманининг «Пошҳурт» маҳалласидан туман марказига 49 км. қувур тортиш масаласини ҳал этиш керак.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, яшаш манбаи саналган тоза ичимлик сувига эҳтиёж катта. Депутатнинг фикрича, вазифалар ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилганда ҳозир муаммолар бу қадар йириклашиб кетмаган бўларди. Бепарволик, сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, соҳа вакилларининг лоқайдлиги оқибатида одамлар сувсизликдан азият чекмоқда.

Аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Шаҳар ва туманларда 8756 та электр симёғоч устунлари қўлболалиги учун яроқсиз ҳолатга келиб қолган. 468 та трансформатор таъмирталаб аҳволда.

Музрабод туманида 240 та симёғоч мутлақо яроқсиз. 4 маҳаллага янги трансформатор ўрнатиш зарур.

Олтинсой туманида ҳам 230 та симёғоч яроқсиз аҳволда ва янги трансформаторлар ўрнатиш эҳтиёжи мавжуд. Бошқа туманларда ҳам мазкур масалада мурожаатлар кўп. Асосийси, уларнинг қанчалигида эмас, муаммога қандай ечим топишда эканини таъкидлади депутат. **Чунки ўрганилган камчилик бартараф этилмаса, уларни қоғозга тушириб, ҳисобот тўлдиргандан одамларга фойда йўқ, муаммо муаммолигича қолаверади.** Вақт ўтган сайин ҳудудлардаги вазият мураккаблашиб бораверади. Сурхондарёда ечимини кутаётган, одамларни йиллар давомида қийнаб келаётган масалалардан яна бири соғлиқни сақлаш соҳасига таалуқлидир.

Маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятида 198 та тиббиёт муассасаси (14 та марказий поликлиника, 33 та марказий касалхоналар, 94 та ҚОП, 34 та ҚВП, 14 та тез ёрдам бўлими ва 112 та тез ёрдам шохобчаси) фаолият юритади. Уларнинг аксарияти таъмирга муҳтож, иситиш тизими яхши ишламайди, муқобил электр таъминоти жиҳозлари (движок, генератор) билан таъминланмаган.

Жумладан, 8 та марказий касалхона, 6 та марказий поликлиника, 79 та ҚОП ва 26 та ҚВП бинолари эскириб кетган. 23 та тиббиёт муассасасида иситиш тизими носоз, куз-қиш мавсумига тайёр эмас.

Ишчи гуруҳи аъзолари ўрганганда аҳолидан олис чўл ҳудудларида тиббий хизмат сифатини яхшилаш бўйича 3676 мурожаат тушган. Хусусан, Қизириқ туманида туман тиббиёт бирлашмасининг тез ёрдам биноси, 42 ва 44-сонли ҚОП ва «Қорагосмок» ҚВП бинолари таъмирга муҳтож. **Узун туманидаги Х.Қаҳрамон ҚВП ва 73-сонли ҚОП бинолари нураб ётибди. Улар 1953 ва 1963 йилларда хом ғиштдан қурилган бўлиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган, фойдаланиш талабларига мутлақо жавоб бермайди.**

Парламент аъзосининг таъкидлашича, таълим, маданият, бандлик, уй-жой билан таъминлаш ва яна бошқа қатор масалаларда камчиликлар оз эмас. Ўрганилган аниқ рақамлар мавжуд. Бироқ муаммонинг ҳар бирига тўхталиб, санаб, рақамлар келтириш билан уларга ечим топиб бўлмайди. Камчиликларни бартараф этиш учун барча бирдамликда ҳаракат қилиши, ҳар бир мутасадди раҳбар ўз ишига масъулият билан, виждонан ёндашиши ҳам фарз, ҳам қарздир. Зеро, сабрнинг чек-чегараси бор.

«Ўзбекистон овози» мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Саволлар кетидан саволлар туғилмоқда...

«ЁЛҒИЗ АЁЛНИНГ УЙИ БУЗИБ ТАШЛАНДИ

Энди у икки нафар норасида фарзанди билан қаерда яшайди?..»

ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАГА ЖАВОБ КЕЛДИ

Газетамизнинг ўтган йил 13 ноябрь сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, «Чаққон-2» маҳалла фуқаролар йиғинида икки нафар вояга етмаган фарзанди билан яшаб келаётган Нафисахон Бобоназарованинг уйи суд томонидан ноқонуний қурилган, деб топилиб, Мажбурий ижро бюроси Олтинкўл туман бўлими томонидан 2018 йил 9 август куни кечки пайт экскаватор билан бузиб ташлангани тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПРОКУРАТУРАСИ
170100 Андижон шаҳри, А.Навоий кўчаси 28-уй
2018 йил 05 декабрь №14/9-18-1453

Тошкент шаҳри, "Матбуотчилар" кўчаси 32-уйда жойлашган "Ўзбекистон овози" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти бош муҳаррири С.Остоповга

Вилоят прокуратураси томонидан фуқаро Н.Бобоназарованинг суд қарори ва бошқа ҳужжатлардан норози бўлиб "Ўзбекистон овози" ижтимоий-сиёсий газетасига йўллаган мурожаати фуқаролик иши ҳужжатлари билан бирга муаллиф иштирокида ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 16.01.2018 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар Олтинкўл туман прокуратураси Турдиев ва Ф.Аскаров манфаатини кўзлаб жавобгар Н.Бобоназаровага нисбатан ноқонуний қурилмаларни жавобгар ҳисобидан буздириш ҳақида"ги даъво аризаси қаноатлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Ер кодексини татбиқ

FUQAROLIK ISHLARI BO'YICHA ANDIJON VILOYAT SUDI
THE CIVIL COURT OF ANDIJAN REGIO
170100, Andijon shahri, Bobur shoh ko'chasi, 26. Tel: (374)228 3906 26, Bobur sh. Andijan
2018 йил «18» декабрь № 1809

"O'ZBEKISTON O газетасига

Сизнинг **"Ёлғиз аёлнинг уйи бузиб ташланди"** номли 2018 ноябрдаги танқидий мақолангиз юзасидан қуйидагиларга кўра билдирилади.

Фуқаролик иши ҳужжатларига кўра, даъвогар Олтинкўл прокуратураси Турдиев Иномиддин ва Аскаров Фахриддинни манф кўзлаб судга жавобгар Бобоназарова Нигоройга нисбатан даъво ариз мурожаат қилиб, жавобгар Бобоназарова Нигорой томонидан О туман ХТМФМТ ва ТЭ га қарашли 51-сонли умумий ўрта-таълим ҳудудида ноқонуний қуриб олинган уй-жойни мажбурий т буздиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 16.01.2018 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлан

туманлараро судининг 16.01.2018 йилдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Мазкур суд қарорларини фуқаролик иши ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиш жараёнида, уларга нисбатан протест келтириш учун етарли асослар топилмади. Мурожаат юзасидан муаллиф вилоят прокуратурасига таклиф қилиниб, у билан суҳбатлашиш жараёнида мурожаатда келтирилган турмуш ўртоғи ва унга узоқ йиллар давомида ўқитувчи бўлиб ишлаганлиги туфайли 1988-1990 йилларда Олтинкўл туман собиқ Куйбишев номли колхознинг раҳбарлари томонидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилганлигини тасдиқловчи бирорта ҳужжатлари мавжуд эмаслигини билдирди.

Юқоридагиларни муаллифга маълум қилиш билан бирга, амалдаги қонунчилик талабларини тушунтириб жавоб хати юборилиши таъминланди.

А.М.САЙДАЛИЕВ,
Вилоят прокуроринг ўринбосари,
адлия маслаҳатчиси.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖАВОБИДАН:

«... Фуқаролик иши ҳужжатларига кўра, даъвогар — Олтинкўл туман прокуратураси Турдиев Иномиддин ва Асқаров Фахриддинни манфаатини кўзлаб судга жавобгар Бобоназарова Нигоройга нисбатан даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар Бобоназарова Нигорой томонидан Олтинкўл туман ХТМ ФМТ ва ТЭга қарашли 51-сонли умумий ўрта таълим мактаби ҳудудида ноқонуний қуриб олинган уй-жойни мажбурий тартибда буздиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2018 йил 16 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, Олтинкўл туман ХТМФМТ ва ТЭга қарашли 51-сонли умумий ўрта таълим мактаби стадион майдонини 1400,0 кв.метр ер майдонидаги ноқонуний қурилмалар жавобгар Бобоназарова Нигорой Онарбоевна ҳисобидан мажбурий тартибда буздириш белгиланган...

Судда аниқланган ҳолатга кўра, Олтинкўл туман прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижасида Олтинкўл туман, Чаққон-2 маҳалласида яшовчи Бобоназарова Нигорой Онарбоевна Олтинкўл туман ХТМФМТ ва ТЭга қарашли 51-сонли умумий ўрттаталим мактабининг стадион майдонини 1400,0 кв.метр ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, қурилмалар қуриб олганлиги аниқланган...

Жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг 2018 йил 21 февралдаги ҳукмига кўра, Н.Бобоназарова 2010 йил ноябрь ойидан давлат иштирокидаги Олтинкўл туман ХТМФМТ ва ТЭ бўлимига қарашли 51-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори вазифасида ишлаб келиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиб, Олтинкўл туман ҳокимининг 2014 йил 6 октябрдаги 418-сонли қарори билан 51-сонли умумтаълим мактабига ажратилган 20134,0 квадрат метр ер майдонининг 0.15 га тенг бўлган ер майдонини 2014 йилда эгаллаб олиб, ушбу ер майдонига ўй-жой қуриб, шу кунга қадар фойдаланиб келиб, давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлганлиги учун Жиноят кодексининг 205-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилган ва жавобгарлик белгиланган...

Жавобгар Н.Бобоназарова низоли ер майдонини қонунда белгиланган тартибда ўзига ажратиб берилганлигини ва қурилмаларни рухсат олган ҳолда қурганлигини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжатни судга тақдим қила олмаган. Шунингдек, ушбу ер майдони жавобгарга ажратилганлиги ҳақида ҳоким қарори мавжуд эмас...

Шунга кўра, мақолада кўрсатилган Н.Бобоназарова «ёлғиз аёл» бўлса-да, уни мактабга тегишли ерни ноқонуний эгаллаб, уй-жой қуриб олиш ҳуқуқи бўлмаган. Унинг «ёлғиз аёл» эканлиги низодаги ерни эгаллаш учун устун ҳуқуққа эга эканлигини англатмайди.

Чунки қонун устунлиги сўзсиз тан олиниши шарт ва ҳар бир фуқаро риоя этишга мажбур.

Баён қилинганларга кўра, суднинг қарори қонуний ва асосли бўлиб, суд ҳужжатлари қонуний кучда эканлиги, фуқаролик ишини кўришда қонун талаблари бузилишига йўл қўйилмаганлиги маълум қилинади.

Вилоят суди раиси Ж.М.Карабоев.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Аввало, ўз вақтида жавоб хати берилганлиги учун вилоят прокуратураси ва вилоят суди раҳбариятига миннатдорлик билдирамиз. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 212-моддаси, Ер кодексининг 91-моддаси, фуқаролик процессуал кодексининг 72-моддаси тўғрисида бизга ва газетхонларга кенг маълумот берилгани учун яна бир бор миннатдорлик изҳор этамиз. Аммо мақоладаги иккита асосий савол эътибордан четда қолаётгани сабабли бу жавоблардан тўла қониқмаганимизни ҳам билдирмоқчимиз.

Биринчи савол — Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинган бир пайтда, аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласига давлатимиз энг муҳим вазифа сифатида қараётган, одамларни рози қилиш учун кураш бораётган пайтда икки нафар фарзанди бор ёлғиз аёлнинг уйини бузиш шартмиди? Асраб қолиш учун ҳуқуқий асос бор эдику.

Иккинчи савол — Уй-жойи бузилиб кўчада қолган бу аёл энди қаерда яшайди? Туман ҳокимлиги ташландиқ, ҳеч қандай шароити йўқ бир бинони **вақтинча яшаш шарти билан берибди.** Болалар боғчасида арзимаган маошга кир ювувчи бўлиб ишлаётган бу аёл қандай қилиб, қайси маблағ ҳисобига бу қулбани таъмирлайди?

... Таҳририятга келган жавоблардан сўнг бизда бошқа саволлар ҳам пайдо бўлди.

Учинчи савол — Уй бузилишга бузилибди. Аризачилар, прокуратура, суд давлат ерини ҳимоя қилибди. Аммо икки болали аёл ҳуқуқи, манфаатини ким ҳимоя қилади? Ўша ер нархи инсон қадридан юқори турадими? Ёки бошқа бирор жойдан ҳашар йўли, ҳомийлар ёрдамида бу оилага уй қуриб бериш ёки уй бериш имкони ҳақида ўйлаб кўрилмадими? Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар бошидан кўп азоб-уқубатларни ўтказган заҳматкаш халқимизни, ҳар бир юртдошимизни улуғлашга қаратилаётгани қайта-қайта уқтирилмоқда. Олтинкўлдаги воқеа бунинг акси эмасми?

Тўртинчи савол — Жавоб хатларида (қаранг, бир-бирига жуда ўхшаш) қонунсиз қурилган уй ҳақида шундай жумла бор: **«ушбу ер майдонига уй-жой қуриб, шу кунга қадар фойдаланиб келиб, давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабабчи бўлгани учун жиноят кодексининг 205-моддаси 1-қисми билан айбли, деб топилган».**

Бу **«жиддий зиён»** нимадан иборатлигини, тўғриси, тушунмадик. Мактаб бир қаватли, 240 ўқувчига мўлжалланган. Унга 2 гектардан кўпроқ ер ажратилган, ҳайҳотдек майдон неча йилдан буён бўм-бўш ётган бўлса, кимга қандай зиён етган? Кимга халақит берган, ким жабр кўрган? Мактабнинг бирор лойиҳасига, тараққиётига тўсқинлик қилинганми?..

Яна бир қўшимча савол устида ҳам ўйлаб кўришимиз керакка ўхшайди. Дарвоқе, бу ҳақда айтилган, огоҳлантирилган. Мактабларга, айниқса, қишлоқ мактабларига бир пайтлар ҳаддан ташқари, керагидан ортиқ ерлар берилган бўлиб, йиллар давомида ҳувуллаб ётганлари оз эмас. Уйлаб, керагича ер майдони ажратилса, мақсадга мувофиқ эмасмикан?..

Бу савол прокуратурага бевосита тегишли эмас, албатта. Ҳокимият ва жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинмоқда. Мақолада кўтарилган, аммо жавобсиз қолган саволларга эҳтимол вилоят ҳокимлиги жавоб берар? Эҳтимол яна кимдир муносабат билдирар.

Савол оддий ва қисқа: икки фарзандли ёлғиз аёл ён-атрофидаги қўшнилари каби ноқонуний, кадастрсиз қурилган уйда яшаб келаётганди. Ноқонуний қурилган уй-жой бузиб ташланишига ҳеч қандай эътироз бўлмаслиги керак албатта. Аммо оддий одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи, ижтимоий аҳволи ҳисобга олиниб, Президентимизнинг 2018 йил 20 апрелдаги **«Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинган бир пайтда, ёлғиз аёлнинг уйини бузиш шартмиди?**

Мақолага ёзилган жавобларда қандай уй-жой қонунсиз, қайси бири қонуний ҳисобланиши батафсил тушунтирилган. Аммо асосий савол жавобсиз қолаяпти.

Қонунларни кимдир кўпроқ, кимдир камроқ билиши мумкин. Лекин керак бўлганда топиб, ўқиб, билиб олиш мумкин. Бироқ ҳаётда мантиқ, деган тушунча бор. Буни билиш учун юрист бўлиш шарт эмас.

Агар Президентнинг бир марталик умумдавлат акцияси эълон қилинмаганида бу мақола чиқмаслиги табиий эди. Ноқонуний қурилган уй эгасини ҳимоя қилиб ўтирмасдик.

Вилоят суди жавобида кишини уйлатадиган яна бир гап бор: «Унинг «ёлғиз аёл» эканлиги низодаги ерни эгаллаш учун устун ҳуқуққа эга эканлигини англатмайди.»

Яна саволлар туғилади: Хўш, унда прокуратура ва суд учун Президент фармони устун ҳуқуққа эга эмасми? Фармон эълон қилинганини била туриб, унга амал қилмасликни қандай тушунмоқ керак?

Президент одамларни уйли-жойли қилиш учун жон қойитаётган бир пайтда икки-уч амалдор бир гуруҳ аризачилар шикоятини дастак қилиб, бўм-бўш ётган жойни «стадион», деб атаб ёлғиз аёлнинг уйини буздириб ташлашини қандай баҳолаш мумкин?

Аввало стадион билан футбол майдончасининг фарқига бориш керак. Эшитдик, яқинда ана шу бўм-бўш ётган ернинг бир четида қўлбола дарвоза ўрнатилибди. Гўё «ҳа, бу ер стадион эди», дейишмоқчи. Шу ҳолатда ҳам бузилган уй ўрни «стадион» ташқарисида қоляпти.

Масалага адолат ва инсонпарварлик билан ёндашилганида, **«Эътиборсизлик қилибмиз, чуқурроқ ўйламабмиз. Бироқ бу аёлни кўчада қолдирмаймиз, уй-жой билан таъминлаш масаласини кўриб чиқамиз»,** деганга ўхшаш жавобни кутгандик.

Баҳона ахтарилса, топилаверади. Баландпарвоз гаплар дастак бўлаверади. Мақсад ёрдам бериш бўлса, имкон ҳам топилади. Бунинг учун аввало бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: Қайси лавозимда ишлашимиздан, ким бўлишимиздан қатъи назар, идорамиз шаъни ва шахсий манфаатимиздан одамлар манфаати ўн карра, юз карра юқори туради. Бутун диққат-эътиборимиз одамлар муаммоларини ҳал этишга, уларга сидқидилдан хизмат қилишга қаратилиши керак. Бугун ҳаёт шуни талаб қилаяпти, Президент шуни талаб қилаяпти.

АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтида Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши ҳамкорлигида «Олий ҳарбий таълим муассасалари тингловчи ва курсантларида ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашда «Темур тузуклари»нинг аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» САБОҚЛАРИ

Тадбирда Ички ишлар вазирлиги, Қуролли Кучлар академиялари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ҳарбий-техника, Божхона институтлари, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультети, Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий-тиббиёт факультети, Ёнғин хавфсизлиги институтининг курсантлари ва тингловчилари, ИИВнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги академик лицейлари ҳамда Тошкент шаҳридаги «Темурбеклар мактаби» ўқувчилари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққан Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, профессор Бахтиёр Ҳасанов, Темурийлар тарихи давлат музейи директори, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Хуршид Файзиев, Амир Темур илмий экспедицияси раҳбари Фахриддинхўжа Ашрафхўжаев, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Саъдуллаев ва бошқалар «Темур тузуклари«нинг тарбиявий ва маърифий аҳамияти ҳақида фикр юритди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда, умуман айтганда, ҳаёт сирларини англаб етишда «Темур тузуклари» бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган саҳна асарларидан монологлар ижро этди.

Анжуман якунида таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихи ва «Темур тузуклари«ни ўрганиш тизимини такомиллаштиришга оид тавсиялар билдирилди.

Тадбир доирасида Ёнғин хавфсизлиги институтининг иқтидорли курсантлари томонидан яратилган ихтиро ва инновацион ишланмалар, Ёнғин ўчириш амалий спорти намойиши ҳамда китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти ўқитувчиси, капитан.

ТРАНСФОРМАТОРЛАР ЯНГИ ТИЗИМГА ЎТДИ

ҚУЛАЙЛИК

«Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» алоқа бўлими бошлиғи Одилжон Нуриддинов томонидан жорий қилинган «Мнемо» тизими бундан буён вилоятдаги ҳар бир маҳаллага трансформатор орқали электр энергияси узатиш ҳолатини назорат қилиш имконини беради.

Янгилик қўлланилиши туфайли истеъмолчиларга замонавий талаблар асосида жадал ва сифатли хизмат кўрсатиш таъминланади. Трансформаторлар фаолиятини кузатиш дастуридаги маълумотлар масалан, зўриқиш ёки бошқа носозлик, қайси қисм таъмирталаблиги тизим ойнасида аниқ кўринади. Рангли чироқча ёниб, бундан огоҳ этади. Бу эса носозликни тезда бартараф этиш имконини беради.

— Янгиликнинг амалиётга кўчиши трансформаторларнинг меъёрий режимда ишлаши, истеъмолчиларга электр энергияси етказишни яхшилаш билан унинг сарф миқдорини жойида аниқлаш имконини яратади, — дейди **Одилжон Нуриддинов.** — Ўзбошимчалик билан ноқонуний фойдаланаётган истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари аниқ кўринади.

Авваллари трансформатор ишламаётгани ҳақида хабардор этилганда, ишчи гуруҳи жойига бориб, носозлик ечимини топиш чораларини кўришга бир неча соат вақт сарфларди. Таъмирлаш чўзилар, таъминотда узилиш бўларди. Янги тизим бундай эскича иш услубига барҳам беради. Бу тизим Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қўлланиладиган бўлди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Кексаларни эъзозлашда Ўзбекистон қандай ўринда?..

БИЗ БАХТЛИ КЕКСАЛАРМИЗ

МУНОСАБАТ

«Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» (World Happiness Report) рейтинги натижаларига кўра, Ўзбекистон 2017 йилда бахтли мамлакатлар рўйхатида 47-ўринда эди. 2018 йилги рейтинг натижаларига кўра бу кўрсаткич 44-поғонага кўтарилибди. Халқаро «Orb Media» ташкилоти ўтказган тадқиқотлар натижаси бўйча Ўзбекистон ва Венгрия кексаларни ҳурматлашда жаҳон рейтингида пешқадам мамлакатлар, деб тан олинган.



«Ўзбекистон овози» газетасининг 8 январь сонида чоп этилган, таниқли адабиётшунос Султонмурод Олимнинг «Кексаликнинг умри узаймоқда» сарлавҳали мақоласи қўлимга қалам олишга ундади. Ҳақиқатан ҳам журналист ёки бошқа ижодкорнинг матбуотда мақола ёки шеъри чоп этилса, пенсиясини ярми кетарди. Шу сабаб кўпчиликнинг ёзишдан кўнгли совиб кетди. Мана энди ҳақиқат қарор топди, бундай калта ўйлаб қабул қилинган, шўро давридан қолиб кетган кўрсатмаларга чек қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ халқимизнинг қадим удумларига амал қилиб, оқсоқоллар дуосини олди. Халқ билан маслаҳатлашиб, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилди. Унда катта ёшли авлодни қўллаб-қувватлаш вазифаси алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбари томонидан бобо ва момолар турмушини енгиллаштирувчи, ҳаётини сермазмун қилишга хизмат этувчи фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ўтган қисқа вақт мобайнида фуқароларимиз учун, айниқса, аҳолининг ночор ва кам таъминланган қисми учун арзон ҳамда замонавий турар-жойлар қурилди.

Қаранг, Президент айтди, бажарилди: пойтахтда пенсионерлар метрода бепул қатнайдиган бўлди!

Энг оддий мисол, пенсионерларнинг пули нақд берилиши минглаб қарияларнинг банклар эшигида соатлаб навбат кутишларига барҳам берди. Бўлар экан-ку! Агар ҳамма жойда замонавий ва қулай ҳисоб-китоб усули — терминал деганлари мавжуд бўлса, мунтазам ишласа, ҳар икки усулдаги, яъни терминал орқали ва нақд пулга савдо қилишдаги нарх-наво бир хил бўлса, зарур ҳолларда банкоматдан нақд пул ечиш осон бўлганида бу муаммо туғилармиди? Йўқ, албатта!

Энди ўзимиздан ўзимиз сўрайлик: Хўш, бу ғамхўрликларга биз кексалар қандай жавоб беришимиз керак? Яратган Эгам берган умрни яшаб, ошини ошаб, ёши бир жойга борган кексаларга энди на амал, на мукофот даркор. Лекин уларнинг ҳар бирида шундай бойлик борки, уни ҳеч ким тортиб ололмайди, бу бойлик тажриба, ҳаёт сабоқларидир.

Улар ана шу бойликни ишга солиб, фарзандлар ва набираларни тўғри йўлга бошласа, ўтмишнинг баланд-паст йилларидан ҳикоя қилиб, бугунги кунларнинг қадрини мисоллар асосида тушунтириб берса, ўйлайманки, бундан барчага фойда. Пенсияга чиққунга қадар сувчи, муаллим, муҳандис, олим бўлганми — қайси касбда ишлаган бўлмасин, кексаларимизнинг ҳар бирида бугунги ёшларга айтадиган гапи, сўзи бор.

Пойтахтдаги Чилонзор тумани аҳолиси билан учрашув пайтида кўп қаватли уйда яшовчи норғул йигит квартираси томидан чакка ўтишини айтиб, арз қилди. Шу ерда биронта ақли расо оқсоқол йўқмидики, «ҳов бола, бир-иккита шиферни ўзимиз топамиз, бунақа майда гаплар билан давлатбошининг вақтини олма«, дейдиган. Яшнобод туманида маҳалла фуқаролар йиғини мажлисида эса бир онахон қўшниси квартирада учта кучук боқишидан безор бўлиб, Президентнинг виртуал қабулхонасига ёзган шикояти муҳокама қилинди, маҳалла оқсоқоли ўз аризасига кўра, истеъфога чиқди. Баъзан ўйланиб қоламан: шунчалар майдалашиб кетдикми!?

Портал аралашувидан сўнг айрим маҳаллий маъмурлар, адолат идоралари, турли тармоқ раҳбарлари айби билан йиллаб чувалашиб ётган муаммоларга бугунги кунда барҳам берилаётгани барчамизни қувонтиради. Демак, жойлардаги маъмурлар, эл-улус пешволари вазиятдан ҳамиша воқиф бўлишлари, имкон топиб муаммоларни ҳал этиб боришлари зарур.

Бугунги кунда томорқадан ҳамма ҳам самарали фойдаланмаяпти. Айрим фуқаролар миришкорлик билан томорқадан миллион-миллион даромад оляпти, мисоллар истаганча. Айни чоғда беш-ўн сўтих ернинг умрини беҳуда ўтказаётган ҳамқишлоқларимиз камми? Қишлоқлардаги оқсоқолларимиз шу масалага ҳам жиддий эътибор берсалар, бир йилда уч марта ҳосил олаётган миришкорлар тажрибасини ялқовлик қилаётганлар онгига сингдириб борсалар чакки бўлмасди. Мол-қўй, парранда боқиш учун зоотехник бўлиш шарт эмас ахир, биродарлар.

Пенсионерлар — ижтимоий ҳаётда аҳолининг энг катта қатлами сифатида улкан куч. Бу кучни уйғотиш ва хайрли ишларга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга. Кексаларнинг бошини бир жойга бирлаштирадиган, уларни аввало ўзларига, қолаверса, давлат ва жамиятга нафи тегадиган ғояларга эргаштирадиган фаоллар қанча кўпайса, шунча яхши. Эҳтимол, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамкорлигида кексаларни ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кучайтириш чора-тадбирлари устида ўйлаб кўриш керакдир.

Шоир ва шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарларидан бирида эллик ёшга етишни орзу қилган экан. Лекин ўз даврининг мураккабликлари сабабидан шундай дилбар шахс, таассуфки, бу орзусига етолмаган. Улуғ ватандошимизнинг бугунги авлодлари ўртача умри ўртача етмиш беш ёшга етди. Бу теронтология фани олимлари тизимли ўрганса арзийдиган факт.

Мен сўзни бахт мавзуидан бошладим. Бу мавзунинг кўлами кенг, томирлари ниҳоятда чуқур. Аммо хулоса битта — биз ҳар биримиз муқаддас бир юртда яшаётганимизни, замонамизнинг қадрини ҳамиша ёдда тутиб, шунга муносиб умр кечириш тўғрисида ўйлашимиз керак.

Абдуваҳоб АБДУБАННОПОВ,
Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.

МУНОСАБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат парламентига тақдим этган навбатдаги Мурожаатномаси мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор вазифалари тўғрисидаги бош ҳужжат бўлиб ҳаётимизга кириб келди. Бу — 2018 йилда бошланган ишларни мантиқий давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

ИНСОН ЎЗГАРСА, ЖАМИЯТ ЎЗГАРАДИ

Шиддат билан ўтиб бораётган вақт иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқариш зарурлигини тақозо қилмоқда.

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» дастурининг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ қилиниши ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради. Фаол инвестиция сиёсатининг давом эттирилиши эса 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш, 142 замонавий корхонани ишга тушириш имконини беради.

Банк ва молия тизимида ислоҳотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий қилиш, инвесторлар мамлакатимизда ўзини имкон қадар эркин ҳис қилишлари учун валюта бозорини янада эркинлаштириш, фуқароларимизнинг солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлиши, 2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги Солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайтириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллаш кўзда тутилмоқда.

Иқтисодиёт қачон рақобатбардош бўла олади? Қачонки, мамлакатда тадбиркор ва инвесторлар учун ҳар томонлама қулай муҳит яратилса, мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатаётган айрим омиллардан халос бўлинсагина, ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришган бўламиз. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида эса инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни жазолаш шартлиги айтиб ўтилди. Иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашуви кескин камаяди.

Иқтисодиётни жаҳон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш ҳам устувор вазифалардан биридир. Экспорт ҳажмини 30 фоизга ошириб, 18 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилиши, транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш ҳам энг долзарб масаладир.

Парламентнинг жамиятдаги ролини ошириш юзасидан ҳар бир вазирнинг ўз фаолият дастурини тақдим этиши, эндиликда депутатлар, сенаторлар муҳокамасидан ўтиши келаётган истиқболли режалар дастурида белгилаб қўйилди. Урбанизация масалаларини амалга оширувчи махсус жамғарма тузилиши, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари ижроси учун 4 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиши, энг кам ойлик иш ҳақи микдори, пенсия тизими қайта кўриб чиқилиши, спорт майдончалари, «Китоб кафелари«нинг бунёд этилиши — бу халқимизнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлидаги қутлуғ саъй-ҳаракатлардир.

Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлар халқимизнинг эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, ҳаётдан рози бўлиб яшашига қаратилган. Айни чоғда бу юксак вазифаларни амалга ошириш ҳар биримизнинг меҳнатимизга боғлиқ.

Шарифа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.

1941 - 1945 ЙИЛлардаги **уруш қатнашчилари ва ногиронларига берилган**

ИМТИЁЗЛАР

Йилига бир марта Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари санаторийларида **ўн икки кунлик соғломлаштириш курсидан текин ўтиш ҳуқуқига эга.**

Ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига **йўлланманинг ўртача қийматига тенг миқдорида компенсация** олиши мумкин.

Барча республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига **тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхатига киритилган.**

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) бепул тиббий хизмат кўрсатилади.

Амбулаторияда даволанишда **дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш** ҳуқуқига эга.

Ўрмондан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда **бепул фойдаланади.**

Якка тартибдаги **уй-жой қурилиши учун ер участкалари** биринчи навбатда берилади.

Мол-мулк ва ер солиғидан **озод этилади.**

Автомобиль **бензини сотиб олиш учун ойлик пул компенсацияси** олиш ҳуқуқига эга.

Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича **энг кам иш ҳақининг 50 ФОИЗИ миқдори**да ойлик компенсация пул тўланади.

Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ойлик иш ҳақининг тўлиқ миқдорида нафақалар тўланади.

Шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Чипта кассаларида навбатсиз чипта олиш ҳуқуқига эга.

Республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бориш ва келишда ҳар йили бир марта

-100% **темир йўл транспортида** бепул юриш

-50% **ҳаво транспортида** юришда йўл ҳақи қийматининг **50 ФОИЗИ миқдорида чегириш** тарзидаги имтиёзларга эга.

huquqiyaxborot

СОЛИҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНЯПТИ?..

КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилги асосий йўналишларидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тушунтириш, саволларга жавоб бериш мақсадида кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Молия вазирлиги, Бош прокуратура, Божхона қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган чет эл ваколатхоналари раҳбарлари, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги вакиллари иштирок этди.

Семинарда Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида«ги қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмун-моҳиятига асосий эътибор қаратилиб, иштирокчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Шунингдек, семинарда Давлат солиқ қўмитаси раиси Беҳзод Мусаев ва бошқалар 2018 йил 24 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилингани ҳамда унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида«ги қонуни, Бюджет кодекси ва Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритилганига алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, қонун ҳужжатларини тўғридан-тўғри амал қилиш принципини таъминлаш мақсадида Солиқ кодекси юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, юридик шахсларни мол-мулк солиғи ва ягона ижтимоий тўлови ставкаларини жорий этувчи 1591, 181, 2111, 2691, 3081 - моддалар билан тўлдирилгани тўғрисида ҳам маълумот берди.

Яна шуни қайд этиш лозимки, 2019 йил 1 январдан бошлаб жорий этилган солиқ солишнинг янги тартиблари давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишга, солиқ қонунчилигини соддалаштириш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишни такомиллаштириш мақсадида барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз миқдорида жорий этилган бўлса, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига солиқ юкини камайтириш мақсадида ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга камайтирилди (бюджет ташкилотлари ва давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар бундан мустасно). Фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлаб келинган 8 фоизлик суғурта бадаллари бекор қилинди. Фойда солиғи тўловчиларига солиқ юкини камайтириш, инвестициялар миқдорини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, тижорат банклари учун фойда солиғи ставкаси 22 фоиздан 20 фоизгача, корхона ва ташкилотлар учун 14 фоиздан 12 фоизгача, дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар учун 10 фоиздан 5 фоизгача камайтирилди.

Юридик шахсларнинг айланмаси (тушуми)дан ундириладиган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар бекор қилинди. Солиқ солишнинг соддалаштирилган режимидаги солиқ тўловчиларга солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтиришга эришилди. Бундан ташқари, йиллик айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиздан 4 фоизгача камайтирилди. Айланмаси 100 миллион сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари 13-40 фоизга камайтирилди. 100 миллион сўмдан юқори ва 1 миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга айланмадан 4 фоизлик ставкада солиқ тўлашга ўтказиш йўли билан қатъий белгиланган солиқ бекор қилинди.

Кўргазмали семинарда солиқ тўловчиларга солиқ ва молиявий ҳисоботларни шакллантиришда амалий ёрдам ва маслаҳатлар берилиб, умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартиби кўргазмали ва тарқатма материаллар ёрдамида тушунтирилди.

Солиқларни вақтида тўлаб келаётган, қонунга итоаткор, инсофли солиқ тўловчилар Давлат солиқ қўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Унинг айби йўқ эди, лекин айбдор қилишди... Ниҳоят ҳақиқат қарор топди.

АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

АЙБЛОВ ВА ОҚЛОВ

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси Чилонзор туманида вақтинча яшовчи Жамшидбек Ғанибоевни айбсиз, деб топди ва оқлади.

Бунга осонликча эришилмади, айбсизлиги исботланиб, оқланганича икки йил курашди, ҳаловат билмади.

Аслида нима бўлган эди ўзи?

— Мен Шайхонтоҳур туманида бирга ижарада турувчи курсдошимнинг 2100 АҚШ долларлик мол-мулкини ўғирлаган эмишман, — дейди Жамшидбек Ғанибоев. — Устимдан асоссиз жиноий иш қўзғатишди. Айбимни исботлайдиган далилларсиз суд қилишди.

Жамшидбек Ғанибоев курсдоши Абдуғаффор Бойдедаев ва унинг жияни билан Шайхонтоҳур тумани Марказ-26 даги кўп қаватли уйларнинг бирида ижарада турган. 2016 йил 30 январь куни тахминан 13:40 ларда Жамшидбек соч олдириш учун уйдан чиқиб, Дипломатия университети олдида жойлашган сартарошхонага келади. У кетаётганида Абдуғаффор Бойдедаев уйда қолганди. Сартарошхонада одам кўп бўлганлиги учун Жамшидбек бироз кутган. 15:30 ларда танишларидан бири Х.Каримов унга қўнғироқ қилиб, қаердалигини сўрайди.

У айтади.

— Вақтингиз бўлса шу ерга келинг, — дейди.

Қисқаси, 16:30да Жамшидбек сочини олдириб, Х.Каримовнинг машинасига ўтиради, ўзаро бир масалани муҳокама қилишади. Сўнгра Интерконтинентал бизнес маркази олдида тушиб қолади. Буёғига жамоат транспортида кетади. 17:00 ларда Шайхонтоҳур тумани Марказ-26 даги кўп қаватли уйнинг олдига келиб, пастдан Абдуғаффор Бойдедаевга телефон қилади.

— Ўртоқ, пастга тушсангиз, биргаликда бозорлик қилардик.

Қисқаси, озиқ-овқат харид қилиб уйга қайтишади. Абдуғаффор Бойдедаев телефонини қувватловчи қиммат-баҳо мосламани қидириб топа олмайди. Улар биргаликда ҳамма жойни кўришади. Йўқ. Ички ишлар бошқармасига хабар қилишади. ИИБ ходимлари келиб, уйни кўздан кечириб қайтиб кетишади. Эртаси, яъни 2016 йил 31 январь куни соати 9:00 ларда Жамшидбек ишга уйдан чиқаётганида лифт олдидаги сўмкага кўзи тушади. Ўша пайтда унинг ёнида жабрланувчининг жияни Жаҳонгир ҳам бор эди. Улар дарров Абдуғаффорни уйғотишади.

— Сўмкага қўл теккизманглар, ички ишларга хабар қиламиз.

Шундан сўнг Жамшидбек ишга кетади. Йўлда унга Абдуғаффор Бойдедаев қўнғироқ қилиб, туман ИИБга келиши кераклигини айтади.

— Ички ишлар бошқармасига борганимда Комил ва Бахтиёр исмли жиноят-қидирув ходимлари ўғирликни сен содир этгансан, деб қистовга олишди, — деди судда Жамшидбек Ғанибоев. — Жисмоний таъзийиқ ўтказганларидан кейин милисахонадан чиқиш учун ўғирликни бўйнимга олишга мажбур бўлдим.

— Жамшидбекни ИИБ ходимлари ўзларининг хоналарига олиб кирганларидан кейин анча вақт унинг бақириб, ёлворган овозини эшитдим, — деди судда жабрланувчи сифатида қатнашган Абдуғаффор Бойдедаев. — У хонадан чиқиб айтган гапи шу бўлди: ўртоқ, мажбур қилишганларидан кейин сизнинг нарсаларингизни мен ўғирлаганман, деб бўйнимга олдим. Унинг юзлари шишган, қон талаш бор эди... Жамшидбекнинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ эди.

2016 йил 3 майда жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди судьяси А.Эргашев Жамшидбек Ғанибоевни Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан айблаш ҳақидаги жиноят ишини кўриб чиқиб, ЖКнинг 65-моддаси 1-қисми ва ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 1-бандига асосан Ж.Ғанибоевнинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб ҳаракатдан тугатиш ва уни жавобгарликдан озод қилиш хусусида ажрим чиқарди.

Табиийки, суд ажримидан норози бўлган Жамшидбек Ғанибоев юқори инстанцияларга шикоят ёзди. Бироқ унинг мурожаатлари қаноатлантирилмади.

Жамшидбек Ғанибоев қариндошуруғлари, маҳалладошлари, қолаверса, ҳамкасбларига (дарвоқе, у Ўзбекистон бокс федерацияси халқаро бўлимида ишларди) кўрингиси келмасди, ич-ичидан эзиларди. Ҳақлигини қандай исботлайди, қачон исботлайди? Кунлар, орадан йиллар ўтди...

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасига кўра, суриштурувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт. Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим, деб кўрсатилган.

ЖИБ Тошкент шаҳар суд апелляция инстанцияси ажримида қайд этилганидек, дастлабки тергов органи эса Ж.Ғанибоевнинг айбини тасдиқловчи бирор бир далил тўпламай жиноят ишини судга юборган. Суд тергови давида ҳам унинг жиноятни содир этишда айбдорлигини тасдиқловчи биронта ҳам далил аниқланмаган. Аксинча барча далиллар унинг айбсизлигини кўрсатганига қарамай, суд ўз ажримида Ж.Ғанибоевнинг айби тўлиқ тасдиқланганлиги ҳақида хулосага келганлигини қандай тушуниш керак?

Хусусан, жабрланувчи А.Бойдедаев ўзининг дастлабки кўрсатмаларидаёқ ушбу ўғирликни содир этишда қўшниси С.Каримовдан шубҳа қилаётганлигини билдирса-да, тергов органи ушбу шахсни батафсил сўроқ қилиш, телефон рақамларини пелингация қилиш орқали 2016 йил 30 январь куни соат 16:30 дан 17:30 га қадар қаерда, кимлар билан бўлганлигини текшириш чораларини кўрмаган.

Жиноят иши ҳужжатларида Ж.Ғанибоевнинг ушбу ўғирликда айбдор эканлигини тўғридан-тўғри тасдиқловчи далиллар бўлмаса-да, у ўзининг айбсизлиги ҳақида келтирган барча важлари дастлабки тергов органи ва биринчи инстанция суди томонидан текширилиб, тегишлича баҳо берилмаган.

Апелляция инстанциясида жабрланувчи А.Бойдедаев ўз кўрсатувида 2016 йил 30 январь куни эрталаб ишлари билан чиқиб, соат 13:00 да қайтиб келганида уйда ўртоғи Ж.Ғанибоев турганлиги ва ўзининг барча буюмлари уйида бўлганлигини тасдиқлади. У шунингдек, Ж.Ғанибоев соч олдириш учун сартарошхонага чиқиб кетганлиги, ўзи эса ноутбукдан фойдаланиб ўтирганида амакиси қўнғироқ қилиб, кўчага чиқишини, бир жойга ўтиб келишларини айтганлиги учун эшикни қулфлаб чиқиб кетганлиги ва соат 16:40 ларда уйга қайтиб келганлигини билдирди. Жамшидбек Ғанибоев курсдоши ва яқин оғайниси эканлигини таъкидлаб, ўғирликка умуман алоқаси йўқлигини қатъий таъкидлади.

Бундан ташқари, апелляция инстанциясида сўроқ қилинган гувоҳлар Т.Абдураҳимов ва Х.Каримовлар ўзларининг кўрсатувларида ҳам Ж.Ғанибоев 14:00 дан 17:00 гача бўлган вақт оралиғида улар билан бирга бўлганликлари ҳақида кўрсатув берган бўлиб, уларнинг кўрсатувлари телефон рақамлари пелингациялари билан ҳам тасдиғини топди.

«Ёз-ёз«лардан кейин ниҳоят, унинг иши қайтадан ва атрофлича кўриб чиқилди. 2018 йил 8 июнь куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси қуйидаги ажримни чиқарди:

«Ғанибоев Жамшидбек Аъзамжоновичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2016 йил 3 майдаги ажрими бекор қилинсин.

Ж.Ғанибоевнинг қилмишида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд эмаслиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилсин ҳамда у айбсиз деб топилиб, оқлансин.

Ж.Ғанибоевнинг ўзига етказилган маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-312-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилсин.»

Қанча асаббузарлик, ҳаловатсиз тунлар, кунлар, йиллар ўтиб, ниҳоят ҳақиқат қарор топди.

— Президентимизга минг раҳмат, — дейди Жамшидбек Ғанибоев кўзига ёш олиб. — У кишининг адолатни тиклаш бўйича олиб бораётган одилона сиёсати туфайли оқландим...

Дарҳақиқат, бугун нафақат унинг юзи, балки ота-онаси ва оила аъзоларининг ҳам юзи ёруғ.

Аччиқ, аммо очиқ бир гап хаёлимиздан ўтаверади: Агар дастлабки тергов ва суд жараёнларида бу хато тузатилганида бир оила икки йил азоб чекмасди...

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЕҒАРАЗ ЮРИДИК МАСЛАҲАТ

Бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий онги ва билимини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Тошкент давлат юридик университетининг Юридик клиникаси ҳам айнан ушбу мақсад йўлида хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 28 апрелдаги «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорига асосан ташкил этилган мазкур клиника фаолиятидан одамлар мамнун бўлмоқда.

Юридик клиника жисмоний ва юридик шахсларга бегараз юридик маслаҳатлар кўрсатиб келмоқда. Унинг фаолияти жамоатчилик қабулхонаси шаклида ташкил этилган бўлиб, бунда талабалар педагог ходим (адвокат) раҳбарлигида ҳуқуқий масалалар юзасидан фуқаролар қабулини амалга оширади ва уларга керакли ҳуқуқий маслаҳатларни беради. Аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда умумий ҳуқуқ масалалари бўйича ҳам маслаҳатлар кўрсатиши мумкин.

Ҳозирда Юридик клиника фақатгина Тошкент шаҳар аҳолисига ўз хизматларини кўрсатиш билан чегараланиб қолмасдан, вилоят туманларида ҳам сайёр қабулларни ташкил қилмоқда. Бундай қабуллар талабаларнинг билим ва кўникмаларини амалиётда янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўтган йили Юридик клиникага 13 минг АҚШ долларига тенг замонавий компьютер ускуналари тақдим этилди. Ҳозирда юридик клиникада ўн нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи ҳамда қирқ нафар талаба фаолият олиб бормоқда.

Рустам КЕНЖАЕВ,
Юридик клиника раҳбари, доцент.

ЭЪЛОНЛАР

UNG Shurtan GKM

«ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ» МЧЖ агроучасткаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида баландлиги 25 см бўлган бир йиллик «Элдар» сосна сенцы кўчатлари хариди бўйича очиқ танлов ўтказади.

Танлов шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумот билан мажмуанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти www.sgcc.uz орқали танишишингиз мумкин. Тижорат таклифлари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади. Ғузор тумани Шўртан қўрғони.

Телефон: (0 375) 552-44-82, 552-44-83;
факс: (0 375) 552-40-16
Электрон почта:sgcc@sgcc.uz

«ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ» МЧЖ МАЪМУРИЯТИ

Ҳурматли юртдошлар!

Жиззах вилоят ҳокимлигининг 1999 йил 27 августдаги 838-сонли қарорига асосан, Давлат рўйхатидан ўтказилган «Антик дунё» халқаро илмий академиясининг вице-президенти вафот этганлиги, бугунги кунда академия низомини қайтадан давлат рўйхатидан ўтказилишига, академия бошқаруви ва аъзолигига тегишли ўзгартиришлар ва аниқликлар киритилаётганлиги муносабати билан, 1999 йил 27 августдан 2018 йил 19 августгача Академия томонидан берилган

Лауреат,
Кандидат,
Доктор,
Профессор,
Академик,



унвонлари соҳиблари 2019 йил 31 мартгача ўзларига берилган, мазкур унвонлар дипломлари ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт — доимий рўйхатда турганлиги ва яшаш жойи аниқ кўрсатилган ҳолда) нусхаларини тақдим этишлари лозим.

Кўрсатилган муддатда ҳужжатлар нусхаларини тақдим этмаган унвон соҳиблари **«Антик дунё»** халқаро илмий академиясининг таркибидан чиқарилади ва берилган унвонлар қонунда белгиланган тартибда бекор қилинади.

«Антик дунё» халқаро илмий академияси раҳбарияти

Маълумот учун телефонлар:
99891-626-06-26, 99891-209-00-54,
99890-185-66-33

Хатоларни таҳлил этиб, ўйинимизни янада кучайтирамиз.

AFC ASIAN CUP UAE 2019

КУРАШ КЕСКИН БЎЛДИ, АФСУСКИ, ОМАД КЕЛМАДИ!

Бирлашган Араб Амирликларида давом этаётган Осиё Кубогининг бир қатор нимчорак финал учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Япония ва Саудия Арабистони ўртасидаги баҳсда 1:0 ҳисоби қайд этилди. БАА ва Қирғизистон жамоалари иштирокидаги ўйин қўшимча таймлардан сўнг 2:1 натижаси билан тугади. Ўзбекистон ҳамда Австралия учрашувининг асосий вақтида ҳисоб очилмади...

ЎЙИНДАН ОЛДИН

Ўйиндан аввал дунёнинг нуфузли футбол нашрларида Австралия Ўзбекистонни осон мағлубиятга учратиши айтилганди. Ҳатто камида 2 тўп фарқи билан енгиши тахмин қилинган эди. Ўйиндан олдин терма жамоамиз мураббийи Эктор Купер ва ярим ҳимоячи Жалолиддин Машарипов қуйидаги фикрларни билдирган эди.

Эктор КУПЕР:

— Плей-офф босқичида хато қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ютқазган жамоа уйига равона бўлади. Буни тўғри тушуниб турибмиз. Майдонга фақат ва фақат ғалаба учун тушамиз. Австралия Осиёдаги энг кучли жамоалардан бири. Бизда ўтган ўйинлардаги хатоларимизни тўғрилаш учун 3 кун вақт бўлди. Бу вақт мобайнида рақибни ҳам обдан ўргандик. Ўйинимизга ҳам баъзи ўзгартиришлар қилдик. Лекин жамоамизнинг ўйин чизгиси ўзгармайди. Австралияга қарши биз яхши футбол кўрсатамиз. Майдонга шу мақсадда тушамиз.

Барча жамоанинг ўз услуби бор. Ўзбекистон терма жамоаси ҳам янги ўйин услубини шакплантирмоқда. Мен бу масалада файласуфлик қилмоқчи эмасман. Албатта, рақибдан келиб чиқиб, баъзи тактик ўзгаришларни амалга оширамиз. Мусобақа давомида ўйин услубимизни кескин ўзгартирмаймиз. Менимча, ҳозирги ҳолатда услуб ёки тактикани ўзгартириш яхши ғоя эмас.

Мен Австралия терма жамоасини ўрганиш ва таҳлил қилишда уларнинг мусобақадаги бутун ўйинларига эътибор қаратдим. Рақиб кучли, лекин биз уларнинг кучсиз ва заиф нуқталарини топамиз. Шунингдек, ўз ўйинимиз орқали уларнинг кучли жиҳатларини заифлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Жалолиддин МАШАРИПОВ:

— Мусобақадаги дастлабки баҳсда бизда озгина ҳаяжон сезилди. Лекин Туркманистонга қарши ўйиндан кейин ўзимизга бўлган ишонч анча ортди. Учинчи баҳсда гарчи Японияда мағлубият учраган бўлсак-да, биз яхши ўйнадик. Мазкур мағлубият ўзимизга бўлган ишончни йўқотмайди. Австралия билан ўйин олдидан ўз кучимизга бўлган ишонч юқори. Ҳеч қандай қўрқув йўқ.

ЎЙИН ПАЙТИДА

Учрашув бошдан-оёқ ҳаяжонли ўтди. Аввалига жамоалар галма-гал ҳужум қилиб кўришди. Вақт ўтган сайин рақибларимиз ташаббусни қўлга ола бошлади. Ҳисобни очиш имкони икки жамоада ҳам бўлди. Аммо ҳисоб очилмади.

Қўшимча икки таймда футболчиларимиз бироз чарчагани сезилди. Шундай бўлса-да, хавфли қарши ҳужумлар уюштиришди. Австралияликлар ҳам эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилишди. Охир-оқибат ғолиб пенальтилар серияси орқали аниқланадиган бўлди. 11 метрдан дарвозани нишонга олишда омадимиз келмади. Марат Бикмаев ва Ислом Тўхтахўжаев зарбаларини рақиб дарвозабони қайтарди.

ЎЙИНДАН КЕЙИН

Эктор КУПЕР:

— Бундай мағлубиятдан сўнг бирор сўз айтиш қийин. Аммо ўйинчиларим айтилган барча кўрсатмаларни бажаришди. Шогирдларим билан, жамоам билан фахрланаман. Иккинчи таймда 15-20 дақиқа сустроқ ўйнадик. Австралия билан тенгма-тенг ўйин намойиш этдик. Пенальтилар серияси бу — лотерея. Бу — футбол. Олдинга интилишда давом этамиз. Энди хатоларни таҳлил қилиб, ўйинимизни янада кучайтириш учун иш олиб борамиз.

Бугун Тошкент вақти билан соат 18:00да Жанубий Корея — Баҳрайн ҳамда соат 21:00да Қатар — Ироқ ўртасидаги нимчорак финал учрашувлари бўлиб ўтади.

Шаҳбоз САИДОВ

КОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

2019 йил 1 мартдан бошлаб болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга, улар пенсия ёшига тўлгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун **зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўланади.**

Олий таълим муассасаларига ҳужжатларни **давлат хизматлари марказлари** орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади.

Ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга абитуриентлар ушбу шахслар **ўртасида ўтказиладиган танловга мувофиқ алоҳида квоталар** асосида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинади.

Олий таълим муассасалари томонидан талабаларни қабул қилиш квоталарини **мустақил равишда белгилаш** тартиби жорий этилади.

Муаммолар уйма-уй юриб аниқланади

Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент Фармони қабул қилинди.

2019 йил 1 февралдан Халқ қабулхоналари муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлайди ва ҳал қилади, **давлат органларининг аҳоли билан бевосита ишлашини назарда тутувчи тизим яратилади.**

Ҳудудлар маҳаллалар ва хонадонлар кесимида таҳлил қилинади, аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан **қисқа (1 йиллик) ва ўрта муддатли тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.**

Ушбу режалар ижроси **Президент Администрацияси томонидан бевосита назорат қилинади.**

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган аҳоли пунктлари рўйхати **Халқ қабулхоналари билан келишиб шакплантирилади.**

Фармон билан Халқ қабулхоналарига қўшимча ҳуқуқ ва вазифалар юкланди.

Олий юридик таълим муассасаларида сиртқи бўлимлар очилади

Давлат дастурига мувофиқ **2019 йил 1 апрелга** қадар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда **узоқ муддат давомида (5 йил ва ундан ортиқ) бенуқсон фаолият кўрсатаётган ўрта ва ўрта махсус маълумотли ёки бошқа мутахассислик бўйича** олий маълумотга эга **ходимларни** кейинчалик мазкур органда **камида 5 йил ишлаб бериш** шарти билан имтиёзли равишда шартнома асосида **сиртқи бўлимларда олий юридик таълим муассасаларига қабул қилиш ва мақсадли тайёрлаш тизимини жорий этиш назарда тутилган** Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Ресторан, кафе ва бошқа кўнгилочар объектларнинг тунда ишлашига рухсат берилади

Давлат дастурига мувофиқ 10 февралга қадар ресторан, кафе ва бошқа кўнгилочар объектларда ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш талаблари, ушбу кўнгилочар объектларни **тунги пайтда ишлаш тартиби назарда тутилган** махсус ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиши лозим.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «huquqiyaxborot» канали.

QISHLOQQURILISHBANK



«QQB-mobile» иловаси билан барча тўловлар осон!

(+99878) 150-93-39

Google play App Store

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Website: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

Кибрайский филиал АКБ «Узпромстройбанк» проводит конкурсный отбор по выбору на осуществление здания Кибрайского филиала АКБ «Узпромстройбанк». Предложения принимаются в запечатанных конвертах в течении 7-ми дней со дня опубликования по адресу: Ташкентская область, Кибрайский район, улица Зебунисо-7.

Тел: (0-371) 150-20-87

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV, Saidkamol XODJAYEV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Ulug'bek VAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Mahmud TOIR, Shuhrat JALILOV

Qabulxona — (71) 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71) 233-12-56
Reklama va e`lonlar uchun — (71) 233-38-55, (71) 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 151. 4661 nusxada bosildi. Nashr ko`rsatkichi — 220. t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 02:15. Topshirilgan vaqti — 04:20.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA`DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон сахифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5